МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

...Истиқлолнинг илк йиллариданоқ фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласига алоҳида ёндашилди. Маҳалла институтлари жорий қилиниб, уларнинг кенг кўламда фаолият юритишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилди.

4 бет

АГАР ОГОҲ СЕН...

Ўша йилнинг бошида агентлар Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларида яшовчи яна 15 нафар фуқарони ўз ўлжаларига айлантириб, улардан жами 1 минг 500 АҚШ доллари ва салкам 4 млн. сўм пул олишади.

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 12-aprel, №15 (796)

Парламентда

Жорий йилнинг 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан БМТнинг Ўзбекистондаги Болалар фонди ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Бола ҳуқуқини таъминлаш мониторинги" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, ҳар бир боланинг ҳимоя қилиниши кафолатланади. Яъни, ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.

Алоҳида қайд этиш керакки, юзага келиб қолган сабабларга кўра қийин ҳаётий шароитга тушиб қолган вояга етмаганлар давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимояга ва ёрдамга муҳтождирлар. Жумладан, "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасида: "Фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди", дея белгилаб қўйилган.

Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизми Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Уй-жой, Меҳнат, Оила, Жиноят-процессуал кодекслари билан, шунингдек, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Судлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар билан бевосита тартибга солинади.

Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар томонидан соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимига оид фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, БМТ Болалар Фондининг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси (ЮНИСЕФ) ходимлари, Бош прокуратура, ИИВ, қатор вазирликлар мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Одил судловни амалга ошириш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида "Одил судловни амалга оширишда "Хабеас корпус" институтининг ўрни ва роли: муаммолар ва ечимлар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Қонунчилик палатасининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, тингловчилари, амалиётчилар, олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбати иштирокчилари Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини биринчи навбатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга йўналтирилганлиги ҳамда бу борада амалга оширилган ишларнинг амалий самарасига алоҳида тўхталдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги 2005 йил 8 августда қабул қилинган Фармони суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқининг судларга босқичма-босқич ўтказилишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур Фармон асосида ишлаб чиқилган ва парламент томонидан қабул қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига асосан, 2008 йил 1 январдан бошлаб қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси прокурорнинг қарори ёки прокурорнинг розилиги асосида терговчининг қарори билан қўзғатилган илтимоснома суд томонидан кўриб чиқилиб қўлланилиши белгилаб қўйилди. Мазкур қонун шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз махрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳамда фуқароларга суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига тўла мос бўлиб, амалиётда муваффақиятли қўлланилмоқда.

Тадбир давомида Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасига асосан тайёрланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилиб, мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар киритилди.

Тадбир

Мустаҳкам ҳарбий оила – Қуролли Кучларимиз таянчи

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила аъзоларини яшаш шарт-шароитларини яхшилашга кўмаклашиш давлатимиз томонидан олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар негизида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Анвар КЕНЖАЕВ,
Жануби-Ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокурори

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги"да таъкидланганидек, "Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида аҳамиятга молик вазифа сифатида қараш зарур. Нега деганда, бугунги замонда фақат ижтимоий жиҳатдан яхши таъминланган ҳарбий хизматчилар, шу билан бирга, пухта тайёргарликка эга бўлган, кучли, ҳар томонлама таъминланган Қуролли Кучларгина давлатимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлади".

Шу боис, республикамизда ҳарбий ислоҳотларни амалга оширишда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб аталиши ҳамда бу борада Давлат дастурининг қабул қилиниши амалга оширилаётган ишларга янгича мазмун ва шуқуҳ бағишлади.

Жануби-Ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси томонидан ҳам ҳарбий хизматчиларнинг ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Жануби-Ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан тегишли ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида 2012 йил давомида Қашқадарё вилояти ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда ишлаш истагини билдирган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун "Бўш иш ўринлари" ярмарканси ўтказиш юзасидан тасдиқланган Дастур асосида Қарши шаҳридаги офицерлар уйида 2012 йил 6 апрель куни навбатдаги тадбир ўтказилди. Унда Қарши шаҳар ва Қарши тумани ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисмлар ва муассасалар ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари иштирок этишди.

Меҳнат ярмаркасида Қарши шаҳар ва туманидаги турли ташкилотлар, идоралар ва муассасалар ўзларининг бўш иш ўринлари билан фаол қатнашиб, ярмаркадан кўзланган асосий мақсаднинг ижросини таъминлашда фаол кўмаклашишди. Ишга жойлашиш истагини билдирган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ташкилот ва муассасалар ўртасида суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг мутахассислиги ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, турли ташкилот, корхона ва муассасаларга ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Учрашув давомида округ ҳарбий прокуратураси ходимлари томонидан ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида ишга жойлашиш ҳамда қайта мутахассислар тайёрлаш курсларида таҳсил олиш тартиблари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Конституциямизнинг 37-моддасида "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир", деб кўрсатилган. Мазкур "Бўш иш ўринлари ярмаркаси"нинг ўтказилиши ҳарбий хизматчилар оиласининг айнан ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ва улар оиласини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилаётган бу каби тадбирлар Жануби-Ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси томонидан мунтазам равишда олиб борилиши режалаштирилган.

Ислоҳотларнинг муҳим йўналиши

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлиги, ёши ва бошқа жиҳатларига кўра ўзгалар кўмаги ҳамда қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган фуқаролар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш жамиятимиз ҳаётининг устувор тамойилларидан бири саналади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" номли асарида таъкидлаганидек: "Давлат ўз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади. ...Кишиларни ижтимоий ҳимоялаш ва уни кафолатлашнинг кучли, таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётига собитқадамлик билан ўтишни таъминлаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш мумкин".

Алишер ОЧИЛОВ,
Бош прокуратуранинг ОЎК тингловчиси

Таъкидлаш жоизки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш ва ижтимоий соҳада қонунчилик ижросини таъминлаш бўйича прокурор назоратини амалга оширишда асосий эътибор аҳолининг ижтимоий ҳимоясга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган.

Мазкур соҳада Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан 2010 йилда ўтказилган текширишлар натижасига кўра аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 103 та тақдимнома киритилиб, ноқонуний қабул қилинган қарорларга нисбатан 67 та протест келтирилган. Прокурорнинг тақдимномаси ва қарори билан 220 нафар шахс интизомий, 68 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Етказилган 13638,0 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилган. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 41 та жиноят иши қўзғатилиб, судларга 17470,0 млн. сўмни ундириш ҳақида 86 та аризалар киритилган. 139 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланган.

2011 йилда ўтказилган текширишлар натижасига кўра аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 109 та тақдимнома киритилган. Ноқонуний қабул қилинган қарорларга нисбатан 32 та протест келтирилиб, 41 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилган. Прокурорнинг тақдимномаси ва қарори билан 224 нафар шахс интизомий, 149 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, етказилган 20985,0 минг сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилган. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 40 та жиноят иши қўзғатилган, 215 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган.

Жумладан, вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда, ДТ "Халқ банки" Шўрчи филиали 029-сонли шохобча кассири вазифасида ишлаган Бобораҳмат Оқниёзов жами 15 ҳолатда 2 млн. 283 минг 408 сўм пул маблағини нафақа олувчиларга бермасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилгани маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан ДТ "Халқ банки" Шўрчи филиали 029-сонли шохобча кассири вазифасида ишлаган Б.Оқниёзовга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "в" ва "г" бандлари билан жиноят иши қўзғатилган.

Нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш бўйича тузилган комиссия таркиби ва комиссия аъзоларининг нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш жараёнида тўлиқ қатнашиши ва унда мурожаат этган фуқаронинг иштироки, оиналарнинг моддий аҳволи ўрганиш, шунингдек, йиғилиш қарорларидаги имзоларнинг ҳақиқийлиги ўрганилганда, айрим ҳолатларда мурожаат этган фуқаронинг иштироки таъминланмаганлиги учун нафақа тайинлаш рад этилганлиги аниқланди.

Хусусан, Термиз туманидаги "Қаҳрамон" маҳалласида яшовчи фуқаро Х.Омонова маҳалла фуқаролар йиғинига 2011 йил 17 февраль куни ариза билан мурожаат қилиб, оилавий шароити оғирлиги сабабли 2 нафар фарзандининг таъминоти учун 16 (18) ёшгача нафақа тайинлашни сўраган. Маҳалла фуқаролар йиғини нафақалар тайинлаш комиссияси 2011 йил 23 февралдаги қарори билан фуқаро Х.Омонова комиссия йиғилишига келмаганлиги сабабли, унга нафақа тайинлашни рад этган.

Фуқаро Х.Омонованинг ҳужжатлари ҳамда оилавий шароити ўрганилганда, амалдаги қонун ҳужжатлари ва нафақа тайинлаш мезони талабларига мос келиши аниқланиб, унинг 2 нафар фарзандига 16 (18) ёшгача тўланиши лозим бўлган нафақаларнинг тайинланиши таъминланди.

Шунингдек, Учқизил қўрғони "Янги ҳаёт" маҳалласида яшовчи фуқаро М.Ҳусановнинг 2011 йил 15 февралдаги, "Учқизил" маҳалласида яшовчи фуқаро С.Жавлиевнинг ўша йил 16 февралдаги, "Орол" маҳалласида яшовчи фуқаро Ф.Турдиалиевнинг 2011 йил 17 февралдаги, "Халқобод" маҳалласида яшовчи фуқаро Ш.Аҳмедовнинг 2011 йил 18 февралдаги, "Намуна" маҳалласида яшовчи фуқаро Д.Шомуродовнинг 2011 йил 17 февралдаги, "Кокилдор-ота" маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Мўминовнинг 2011 йил 14 мартдаги, "Шарқ" маҳалласида яшовчи фуқаро Ш.Маматалиевнинг 2011 йил 17 мартдаги, "Наврўз" маҳалласида яшовчи фуқаро М.Курбоновнинг 2011 йил 15 мартдаги, "Паттакесар" маҳалласида яшовчи фуқаро С.Амоновнинг 2011 йил 15 мартдаги, "Ш.Рашидов" маҳалласида яшовчи фуқаро С.Нуралиевнинг ҳамда "Айритом" маҳалласида яшовчи фуқаро Х.Маҳмудовларнинг 2011 йил 16 мартдаги, "Истиқлол" маҳалласида яшовчи фуқаро М.Аралованинг 2011 йил 17 мартдаги ва "Гулистон" маҳалласида яшовчи фуқаро Ш.Гаффорованинг 2011 йил 15 мартдаги аризалари ҳам комиссия йиғилишларига келмаганликлари сабаб қилиб кўрсатилиб, рад этилганлиги ҳолатлари бўйича уларга нафақаларнинг тайинланиши таъминланган.

Бундан ташқари, тумандаги ўзини ўзи бошқариш органларида нафақа пулларининг тайинланиши ва тўланишининг қонунийлиги текширилганда айрим ҳолларда нафақа пулларининг нотўғри тайинланиб, тўланаётганлиги маълум бўлди.

Жумладан, фуқаро З.Ўриновага Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Авлод" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 2010 йил август ойида бир йил муддатга 2 ёшгача нафақа тайинланган. З.Ўринованинг оила азолари таркиби ўрганилганда, унинг 1994 йил 20 август куни туғилган қизи З.Сайфуллаева 2010 йил августда 16 ёшга тўлган бўлсада, унинг иш жойи ёки ўқиш жойидан маълумот олинмасдан, 2010 йил август ва сентябрь ойларида 22 минг 107 сўмдан, жами 45 минг 215 сўмлик нафақа пуллари нотўғри тайинланган.

Шу каби, 8 нафар фуқарога нотўғри нафақа тайинланганлиги ҳам аниқланиб, Жарқўрғон туман прокуратураси томонидан 2011 йил 2 апрель куни нафақа тайинлаш комиссияси қарорларини бекор қилиш ҳақида протест киритилган.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг 5 та тамойилларидан бири сифатида "кучли ижтимоий ҳимоя" белгиланганлиги мутасаддиларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш ҳамда назорат тадбирлари ўтказилишининг мунтазамлилигини таъминлашни тақозо этади.

Бухоро вилоят прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда тезкор қидирув ва излов фаолиятини такомиллаштириш ва бу борада прокурор назорати аҳволини ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

Фаолиятни мувофиқлаштириш истиқболи йўлида

Аббос ЭШМУРОДОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори
Суҳроб ШЕРОВ,
журналист

Йиғилишда вилоят прокуратураси томонидан тизимда назоратни таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, жиноятларнинг айрим турлари ортганлиги ва бу ҳудуддаги криминоген вазиятга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилди. Буни инобатга олган ҳолда ички ишлар ходимлари томонидан жиноят содир қилишга мойиллиги бўлган, муқаддам судланган, профилактик назоратдаги шахслар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик чораларини янада такомиллаштириш масаласига доир тавсиялар берилди.

Қайд этиш лозим, бугун тезкор қидирув ва излов фаолиятини тўғри ташкил этишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар мунтазам равишда олиб борилмоқда. Бироқ, шундай бўлсада, айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бу эса жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга сабаб бўлувчи омилларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича қонун талабларига риоя қилинмаётганлиги билан бевосита боғлиқ масаладир. Тадбирда бу масалага ҳам тўхталиниб, прокурор назоратини кучайтириш, соҳада йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолатларини қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда жиноятларни фош этиш юзасидан тезкор излов тадбирларини жадал суръатда ташкиллаштириш, жумладан, терговни амалга оширувчи ходимлар фаолияти муҳокама этилиб, ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, ҳудудлардаги фош этилмай қолган жиноятларнинг сабабларини таҳлил қилиш ҳақида кўрсатмалар берилди. Ушбу ҳолат юзасидан комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, жиноятнинг содир бўлиш шарт-шароитларини пухта ўрганиш, тергов ҳаракатларини тўлиқ ва сифатли ўтказиш, тегишли орган ва тезкор хизматлар билан ўзаро маълумот алмашинувини таъминлаш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди. Энг асосий масала сифатида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи ҳамда одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларга янада жиддий аҳамият қаратиш лозимлиги уқтирилди.

Тадбир давомида кўриб чиқилган масалалар юзасидан вилоят прокуратураси ва ички ишлар органларининг мазкур соҳалар учун масъул бўлган раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва соҳада самарали фаолият юритишни таъминлашга қаратилган қарор қабул қилинди.

Қонунга хилоф савдо

Н.ХАБИЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Юнусобод туман бўлими бошлиғи ўринбосари

Юртимизда тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Тадбиркорлик ортидан ҳам ўзимга, ҳам элу юртга фойдам тегсин, деган ишбилармон тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Аммо, шу билан бир пайтда, айрим юртдошларимиз ноқонуний йўл тутиб, охир-оқибат юзлари шувут бўлиб, қонун олдида жавоб бермоқдалар.

Хитойдан олиб келган кондитер печларини сотиб беришни сўраб таниши Нодир Қудратовга мурожаат қилган якка тартибдаги тадбиркор М.Алихонов ишнинг бунақа тус олиб кетишини ўйламаган бўлса керак.

Печларни сотиб бериш учун астойдил бел боғлаган Н.Қудратов вақтни ўтказмай интернет сайтига эълон беради. Эълон бесамар кетмай, тез кунда кондитер печларини сотиб олиш истагидаги харидор ҳам топилади. А.Григорьев унга шу масалада телефон қилганида, иккалалари печларнинг баҳоси ҳамда уларни етказиб бериш ҳақида ўзаро келишиб оладилар. Келишувга кўра, Н.Қудратов 4 та печни Юнусобод туманидаги "Mega Planet" савдо мажмуаси орқа томонидаги автоуловлар турадиган жойга етказиб берадиган, А.Григорев эса уларнинг ҳар бирига 2100 АҚШ долларидан, жами 8400 АҚШ доллари берадиган бўлади.

Н.Қудратов шу заҳоти якка тартибдаги тадбиркор М.Алихоновнинг ишончли вакили сифатида фаолият юритувчи Али Мирзахоновга учраб, печларга харидор топилганини маълум қилади. Шундан сўнг улар ўзаро тил бириктириб, сохта юк хати билан кондитер печларини М.Алихоновга тегишли контейнердан олиб, юк автомашинасида келишилган манзилга олиб келишади ва харидордан айтилган маблағни олган пайтда СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Юнусобод туман бўлими ходимлари томонидан ушландилар.

Назорат қилинмайдиган даромад олишни кўзлаб, ноқонуний савдони амалга оширган "уддабуронлар" суднинг ҳукми билан тегишли жазога тортилдилар.

Инсон омилига эътибор

миллий қонунчилик тизимининг устувор тамойилидир

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки даврлариданоқ, инсон омилига бўлган эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Энг аввало, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ равишда, бу борадаги ҳуқуқий механизмлар шакллантирилиб, улар тобора такомиллаштириб борилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, Бош Қонунимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда ҳозирги кунгача қабул қилинган 400 дан ортиқ қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтирилган алоҳида нормалар белгилаб қўйилди. Асосий Қонунимизнинг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган ҳам фикримиз далилидир. Жумладан, Конституциянинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги, аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги акс эттирилган. Шунингдек, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мамлакатимиз фуқароларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ташкилот, корхона ва муассасаларга мурожаатлари соҳасидаги муносабатлар тартибга солиб келинмоқда.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, фуқароларнинг мурожаатлари оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиб, ҳар икки турдаги мурожаат ҳам бир хил аҳамиятга эга. Фуқароларнинг мурожаатлари якка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши, ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин. Фуқароларнинг мурожаатлари, албатта, қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак, уни қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз равишда рад этилганида фуқаро бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилишга ҳақли. Ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этганликлари учун фуқаролар, уларнинг оила аъзоларини таъқиб қилиш мамлакатимизда қонун йўли билан қатъий тақиқлангани ҳам миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири десак, муболаға эмас.

Фуқароларнинг давлат органига юборган мурожаатлари ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади. Агар мурожаатлар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кун ичида тегишли органларга жўнатилиши ва бу ҳақда муаллифга хабар қилиниши лозим. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига юбориш ҳамда устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш мумкин эмас. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар худди шу муддат мобайнида асосланти-рилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилиши керак.

Шу ўринда, ариза ва шикоятларни муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотлар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, уларни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, зарур ҳолларда мурожаат давлат органи томонидан ўша жойнинг ўзида кўриб чиқилиши таъминланиши ҳам қонун нормаларида акс этган. Алоҳида ҳолларда, мурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқишнинг имкони бўлмаса, улар давлат органининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши ҳам мумкин. Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорларни эса, давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди. Мабодо ариза, таклиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзага келса, бу иш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилиши қонун ҳужжатларида алоҳида белгилаб қўйилган бўлиб, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустаснодир. Бундай ҳолларда мурожаат этган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилиниши шарт. Шу билан бирга, ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Агар ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлса, мурожаатни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тарақасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга, албатта, маълум қилиниши керак.

Фуқаронинг ариза ёки шикояти тегишли давлат органи томонидан кўриб чиқилиш жараёнида муаллиф ахборот олиш, мурожаатда келтирилган муаммоларни шахсан баён этиш ва унга изоҳлар бериш, текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эгаки, мансабдор шахслар аризачига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари лозимлиги миллий қонунчилигимиз нормаларида алоҳида акс эттириб қўйилган. Давлат органлари фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунга хилоф ҳаракатларнинг ёки ҳаракатсизликнинг дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирларни белгилашлари зарур. Шунингдек, мурожаатни кўриб чиққан идора ёхуд ташкилот фуқарога бу ҳақдаги натижалар ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт. Агар фуқаро чиқарилган қарордан норози бўлса, бу ҳақда юқори турувчи давлат органига шикоят қилиш ҳуқуқи бор.

Фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида унга зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш амалиёти ҳам мавжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фуқарога етказилган маънавий зиён суд тартибида компенсация қилиниши ҳам мумкин.

Шу билан бирга, фуқаронинг ариза ёки шикояти туҳмат ва ҳақоратдан иборат бўлса, у қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар эса, фуқародан суднинг қарорига биноан ундириб олинади.

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида таъминлашлари шарт экани "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги ифодаланган. Судлар эса, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки эркинликларини бузадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишлари шарт ва зарур.

Албатта, ҳар бир шикоят ва аризанинг ортида инсон тақдири туради. Шундай экан, фуқаронинг умид билан қилган мурожаатига бефарқ қараш, лоқайд муносабатда бўлишга ҳеч бир раҳбар ёки мансабдор шахснинг ҳаққи йўқ. Афсуски, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан жойларда ўтказилаётган назоратаҳлил жараёнларида фуқароларнинг мурожаатларига оид қонунлар ижроси таҳлил этилганида, эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда, камчиликлар ҳам йўл қўйилаётгани аниқланмоқда.

Хусусан, фуқароларнинг мурожаатларини қайд этиш дафтарлари талаб даражасида юритилмаётгани, юборилган ариза ва шикоятларга қонунда белгиланган муддатларда жавоб қайтарилмаётгани, уларнинг натижалари ҳақида маълумотлар йўқлиги, мурожаатлар умумлаштириб, таҳлил этиб борилмаслиги каби қонунбузилиш ҳолатлари шулар жумласидандир. Бу каби хатти-ҳаракатларга барҳам бериш, мансабдор шахслар масъулиятини ошириш, соҳага оид қонунлар ижросини сўзсиз таъминлаш юзасидан Қуйи палата қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, уларни бажариш бўйича амалга оширилаётган ишлар депутатларнинг доимий назоратида эканини айтиб ўтиш лозим.

Муҳтарам Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз стратегиясининг бош мақсадларидан бири сифатида белгилаб берилгани ҳам бежиз эмас.

Айниқса, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат экани, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа эканига мазкур концепцияда алоҳида урғу берилди. Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш ва мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ҳуқуқ-эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Концепциянинг учинчи устувор йўналиши бўлган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни амалга ошириш эса фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш, ўз навбатида, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтиришга хизмат қилади.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввалгидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлайди.

Мазкур қонуннинг ҳаётга жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминлаши зарурлиги концепцияда таъкидлаб ўтилди.

Айни вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитаси Ҳукумат билан ҳамкорликда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқди ва жамоатчилик экспертизасига ҳавола этди. Лойиҳада мазкур қонуннинг асосий вазифалари сифатида фуқаролар ва жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида хабардор қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига тегишли бўлган қарорларининг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тарқатиладиган расмий ахборотдан фойдалана олиш имкониятини яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни белгилаш масалалари назарда тутилмоқда.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқлигининг асосий принциплари сифатида тақдим этилаётган ахборотнинг очиқлиги, ошкоралиги, долзарблиги, тезкорлиги, ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги, ҳаққонийлиги белгилаб қўйилмоқда. Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ кенгашларига бевосита киришни таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот ҳақидаги сўровни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби, сўровларга жавобларни тақдим этиш муддатлари, мурожаат бўйича ахборот тақдим этилишининг рад этилиши асослари каби нормалар ҳам белгиланмоқдаки, бу фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиб, ўзларига зарур ахборотни ҳеч қандай монеликсиз олишлари учун қонуний асосларни яратиб беради. Энг муҳими, мазкур қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдалана олиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилаётганидир.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг мурожаатлари соҳасидаги миллий қонунчилигимиз асослари ҳам тобора такомиллаштириб борилмоқда.

Электр энергиясининг ҳам ҳисоби бор

Соибжон АБДУРАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори

Тасаввур қилинг: уйда иссиқ сув тўхтаб қолди. Нима қилиш керак? Албатта, бундай пайтда газни ёқиб, бемалол сув ситиш мумкин. Ёки, газ келмай қолди, дейлик. Дарҳол қозонни ўчоқ-ка қўйиб, ўтин ёриб бўлса-да, овқат тайёрлаш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Жуда бўлмаганда, электр чойнакни қайнатиб ҳам тамадди қилиб олиш мумкин. Аммо, агар чироқ ўчиб қолса-чи? Буниси энди анчагина жиддий муаммо. Айниқса, кечқурун. Биринчидан, дунё ҳам кўзингизга қоронғу бўлиб, диққинафасликдан ўзингизни қўярга жой тополмай қоласиз. На овқат тайёрлай оласиз ва на бошқа бирор юмушни. Уйда шам бўлса-ку, хўп, бўлмаса-чи?! Ёз чилласида шундай ҳол юз берса-чи?! Музлатгичдаги маҳсулотларингизнинг аҳволини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а!

Дарҳақиқат, бугун бирор-бир соҳа йўқки, электр билан боғлиқ бўлмаса. Хонадонимиздаги маиший техника воситаларидан тортиб, завод ва фабрикалардаги турли дастгоҳлар, ҳатто кўчаларни тўлдириб юрган автомашиналар ҳам электр туфайли ишлайди. Компьютерлар-чи?

Бироқ, бу дунёда абадий нарсанинг ўзи бўлмаганидек, ана шундай беминнат кўмакчининг ҳам ўзига яраша ҳисоби борлигини кўпинча унутиб қўямиз. Назаримизда, уни ҳар қанча ишлатсак-да, туғамайдигандек бўлиб кўринади. Афсуски ундай эмас.

Яқинда Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан Бош прокуратура ҳамда Тошкент шаҳар прокуратурасининг 2012 йилнинг 1-ярим йиллик иш режасига асосан, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг "Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг ижроси юзасидан маҳаллий давлат ҳокимликлари, "Ўздавэнергоназорат" Тошкент шаҳар бўлими ҳамда туман электр тармоқлари корхоналарида текшириш ўтказилди.

Маълум бўлишича, 2012 йилнинг 2 февраль ҳолатига жисмоний шахслар бўйича абонентлари сони 593.337, маиший хизмат истеъмолчилари 593.189, юридик шахс мақомига эга бўлган абонентлар 18.365 тани ташкил этган. "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" ОАЖда юқорида қайд этилган қонун ҳамда қарор ижроси ўрганиб чиқилганда, юридик шахслар бўйича истеъмол қилинган электр энергияси учун 20749,9 млн. сўм дебитор қарздорликка йўл қўйган 4116 та, жумладан, муддати ўтган 14679,8 млн. сўмлик 1881 та юридик шахслар аниқланди.

Ушбу қарздорликдан "Ўзбекэнерго" ДАКнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан солиқ идораларига реестрлар тақдим этилгунга қадар, 104 та юридик шахслар томонидан 49,8 млн. сўмлик ихтиёрий тўловлар амалга оширилган.114,9 млн. сўмлик 303 та юридик шахс реестрларга киритилиб, 138 та ҳолатда 193,4 млн. сўм қарздорлик мажбурий тартибда ундирилган.

Тошкент шаҳри бўйича 2011 йилда жами 104.243 та истеъмолчи электр энергиясидан қарздорлиги ва қоидабузарлиги учун, шундан 17722 та улгуржи истеъмолчи ва 86521 та аҳоли электр тармоғидан узилган бўлиб, қарздорлик миқдори 12711,0 млн. сўмни ташкил этган. Шундан 340,3 млн. сўмлик қарздорликни тўлаб, камчиликларни бартараф этган 9751 истеъмолчи тўловни амалга оширгани боис тармоққа қайта уланган.

Тошкент шаҳар ДСИ бошқармасидан олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, 2011 йил давомида 2709,3 млн. сўмлик муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган 2667 та юридик шахснинг ҳужжатлари туман ДСИлари томонидан реестрлар асосида мажбурий ундириш учун қабул қилинган бўлиб, 1967 та корхонанинг 1620,3 млн. сўмлик қарздорлиги мажбурий ундирувга қаратилгунга қадар тўланган. Йил бошидан хўжалик судларига 1088,9 млн. сўмлик 700 та ариза киритилиб, шундан 1042,4 млн. сўмлик 671 та ариза қаноатлантирилган. 46,5 млн. сўмлик 29 та ариза эса бошқа сабабларга кўра рад этилган.

Шунингдек, Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан қарзи мавжуд бўлган "Тошкент шаҳар ЭТК" ОАЖнинг дебиторлари ҳисоб рақамларига Солиқ кодексининг 64-моддасига асосан 3165,1 млн. сўмлик қарзни ундириш тўғрисида 2011 йилда инкасса топшириқномалари қўйилиб, улардан жами 1177,3 млн. сўми ундирилган. Солиқ органлари томонидан корхона ва ташкилотларда ўтказилган режали ва қисқа муддатли текширишларда 411,2 млн. сўмлик электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш бўйича 136 та ҳолат аниқланиб, 20 та хўжалик юритувчи субъектларига нисбатан 7,2 млн. сўм миқдорида жарима қўлланилиб, 29 та хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳужжатлари чора кўриш учун прокуратура органларига юборилган.

Бундан ташқари, СВОЖҲДЛҚҚ Департаментининг Тошкент шаҳар туман бўлимлари томонидан 2011 йилда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳамда тўлов интизомига риоя этмаслик ҳолатларини аниқлаш борасида ўтказилган текширишлар натижаларига кўра 11 та жиноят иши қўзғатилган. Жумладан, Департаментнинг Юнусобод туман бўлими ходимлари томонидан "Юнусобод деҳқон бозори" ОАЖда ўтказилган тадбирда бозор ҳудудида ўрнатилган электр ҳисоблагичлар мансабдор шахслар томонидан қасддан носоз аҳволга келтирилиб, 98 млн. 691 минг сўмлик зарар етказилганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатларини олиб бориш учун туман прокуратурасига юборилган. Тергов қилинган жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилиб, суднинг 2011 йил 3 июндаги ҳукми билан давлат фойдасига 69 млн. 651 минг сўм ундирилган.

Шунингдек, Мирзо Улуғбек туманидаги хонадонлардан бирининг ертўласида ноқонуний ташкил этилиб, фаолият юритаётган цех фош этилди. Электр тармоғига қўлбола усулда уланилган бу цехда 5 турдаги 186 дона 107,0 млн. сўмлик дастгоҳларда пайпоқ ишлаб чиқарилаётган экан. Тадбир давомида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш натижасида 18960,0 минг сўмлик зарар етказилганлиги аниқланди ва 24 млн. сўмлик 30 минг жуфт тайёр пайпоқ ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга суд томонидан тегишли жазо қўлланилди.

Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтиришга доир қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари бўйича қонунбузилиши ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 13 та тақдимнома киритилиб, 58 нафар шахс интизомий, 10 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, 38 нафари қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди. Фуқаролик судига 25 та 8.500,0 минг сўмлик даъво аризалари киритилиб, қўпол қонунбузилиши ҳолати юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилди.

Маҳалланинг ўрни

Муҳтарам Юртбошимизнинг доно сиёсати туфайли истиқлолнинг илк йиллариданоқ фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласига алоҳида ёндашилди. Маҳалла институтлари жорий қилиниб, уларнинг кенг кўламда фаолият юритишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилди. Бу асосларга қонунчилик базалари яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни фуқаролар йиғинлари фаолиятининг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Руслан ЖУМАНИЁЗОВ,
Боғот туман прокурори
Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
«Huquq»

Боғот туман прокуратураси томонидан ушбу қонун ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, тумандаги ўзини ўзи бошқариш органлари демократия ва ошкоралик тамойиллари асосида фаолият кўрсатиб, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик ва жамоатчилик асосида фаолият юритиб келмоқда.

Туман ҳокимлиги, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан қишлоқ фуқаролари ёрдамида ҳафтанинг ҳар шанбасида ташкил қилинаётган ҳашарларнинг аҳамияти айниқса катта бўлмоқда. Бундай тадбирлар туманнинг ободонлаштиришга маълум даражада ҳисса қўшиш баробарида миллий анъана ва қадриятларнинг қайта тикланишида, фуқаролларнинг ўзаро аҳиллиқда турмуш кечиришларини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини бажаришда, шунингдек, аҳолининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлашларини таъминлаш юзасидан ҳам фуқаролар йиғинлари маълум ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа жалб қилиш, боқиманда қарздорликни ундиришда ҳам ўзини ўзи бошқариш органларининг хизмати катта.

Бироқ, қишлоқ, шаҳарчалар маҳаллалардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг барчаси ҳам қонун талабларига тўла риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда, деган хулосага келиш қийин. Туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги Ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида эришилган муваффақиятлар билан бирга кўпол қонунбузилиш ҳолатлари ҳам аниқланди.

Жумладан, туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси ҳамда туман ДСЭНМ мутахассислари жалб қилинган ҳолда ўтказилган текширишда "Қулонқорабоғ" ҚФЙ раиси О.Қаландаров 2011 йил 15 августда МЖтКнинг 91-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқармасдан қишлоқ ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига совуққонлик билан қараган. Раиснинг бепарволиги оқибатида хонадонлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Махсус ер майдони ажратилмаганлиги туфайли жойларга чиқиндилар ташланиб, маҳалла ҳудудининг ифлосланиб кетган. Бу каби ҳолатларга "Ўғизравот" ҚФЙ раиси М.Раҳмонов, "Деҳқонбозор" ҚФЙ раиси К. Худашукуров, "Хитой" ҚФЙ раиси Р.Болтаевлар томонидан ҳам йўл қўйилган.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолининг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришда бандлик масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Бироқ, тумандаги "Хўжалик" ҚФЙ томонидан янги иш ўринлари ташкил қилиш масаласига деярли аҳамият берилмаган. Оқибатда 2011 йилда 538 та янги иш ўринлари ташкил қилиш белгиланган ҳолда, бу кўрсаткичга эришилмаган яратилган. "Қипчоқ" қишлоғида эса 502 та янги иш ўринлари ўрнига 451 иш ўрни яратилган.

"Бешариқ" ва "Ўғизравот" қишлоқларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги ҳамда ҚФЙ қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг ишлари тўғри ташкил қилинмаганлиги туфайли 1993 йилда туғилган Д.Ботиров ЙТХ содир қилган, Д.Аҳмедов эса ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятга қўл урган.

Шунингдек, айрим ўзини ўзи бошқариш органлари оилавий низоларни бартараф қилишга совуққонлик билан ёндашишган. Боғот шаҳарчасида яшовчи Р.Матяқубов шу ерда яшовчи З.Рўзметована маст ҳолатда шафқатсизларча урганлиги оқибатида у касалхонада вафот этганлиги, "Қораёнтоқ" қишлоғида яшовчи Ш.Қаландарова эса укаси З.Қаландаровни уриб ўлдирганлиги каби фожеалар маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари нотинч оилаларни аниқлаб, улар билан лозим даражада профилактика ишларини олиб бормаганликлари натижасидир.

Баъзи бир фуқаролар йиғинлари томонидан аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш масаласига ҳам масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинган. Масалан, "Бойқозоқ" маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Ражапова турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан 2009-2011 йилларда Россияда яшаб келаётган бўлса-да, онаси Г.Эшматова шу даврда қизи номидан "Бешариқ" ва "Бойқозоқ ҚФЙ раислари номига 2 ва 16 (18) ёшгача бўлган 4 нафар болалари учун нафақа пули сўраб, ариза билан мурожаат қилган. Фуқаро йиғинлари эса аризани қонунга хилоф равишда қаноатлантирганлар. Оқибатда Н.Ражаповага 1 млн. 831 минг 128 сўм нафақа пули нотўғри тўланган.

Бу каби мисоллар туманда ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва фаолларининг масъулиятини янада ошириш кераклигини кўрсатади. Зеро, халқимиз "Бир фарзандга етти маҳалла ота-она", "Маҳалла тинч — сен тинч" каби мақолларни бежиз ишлатмайди. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда, яхшиёмон кунимизда маҳалланинг ўрни беқиёс. Ўзини ўзи бошқариш органлари ана шу ақидадан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятларини тубдан яхшилаш чораларини кўришлари лозим.

Бугунги кунда республикамизда барча жабҳаларда бўлгани каби фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасида ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2010 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари ташкил қилиниб, ушбу бўлимлар фуқароларга пенсия таъминоти соҳасида хизмат кўрсатиб келмоқда. Ногиронлар ва қарияларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида турибди.

Устувор тамойил

Ғуломбек ОТАЖОНОВ,
ТДЮИ магистранти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори билан "Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом ва "Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомлар ишлаб чиқилгани ҳам бу соҳага эътиборнинг яққол намунасидир.

"Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ТМЭК ва тиббиёт муассасалари томонидан ногирон, деб эътироф этилган 16 ёшдан катта болаликдан ногиронларга ва 16 ёшгача ногирон болаларга ҳар ойлик нафақалар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади. Нафақалар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда, барча зарур ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади. Ногирон болага нафақа тиббий хулоса берилган муддатга тайинланади.

Нафақани тўлаш эса Пенсия жамғармаси бўлими томонидан 16 ёшдан катта болаликдан ногиронинг, 16 ёшдан катта болаликдан ногирон ёки ногирон боланинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийси ёки ҳомийсининг яшаш жойи бўйича белгиланган муддатларда, бироқ жорий тўлов ойидан кечикмай амалга оширилади. Нафақалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома бўйича тўланиши ҳам мумкин. 16 ёшдан катта болаликдан ногирон бола доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетганда нафақа тўлаш тўхтатилади. Нафақа тўлашнинг тўхтатилиши ёки қайта тикланишига олиб келадиган бошқа ҳолатлар пайдо бўлганда, нафақа тўлаш тегишли ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади ёки тикланади. Бошқа ҳолатлар деганда, масалан, нафақа тайинланган шахслар тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганда ёки "Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" уйларига ва шу кабиларга юборилганлиги ёки ундан қайтиб келганлиги сабабли тўлиқ давлат таъминотидан чиқарилган ҳолатлар тушунилиши керак.

Нафақа миқдори ўзгаришига ёки уни тўлаш тўхтатилишига олиб келадиган ҳолатлар пайдо бўлган тақдирда нафақа олувчи ўн кун муддатда бу ҳақда унга нафақа тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига хабар қилиши шарт. Бунда ногиронинг доимий яшаш жойи ўзгариши, тўлиқ давлат таъминотига олиниши назарда тутилмоқда.

Авваламбор, мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳимоясининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, юқоридаги қарорнинг 2-иловаси — "Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом республика фуқароларининг ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки, ушбу Низом "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, давлат пенсияси тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ҳар ойлик нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Бизнесга кўмаклашиш маркази

Муҳаммаджон ҳожи МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, вилоят ҳокимлиги томонидан БМТ тараққиёт дастури ҳамда бир неча бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида тадбиркорлик субъектлари учун зарур бўлган кўплаб хизмат турлари мужассам бўлган Бизнесга кўмаклашиш маркази фаолият кўрсата бошлади. Тадбиркорлик субъектларига "Ягона ойна" тамойили асосида хизматлар кўрсатишига мўлжалланган марказ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун давлат идоралари ва тижорат ташкилотларининг хизматларидан фойдаланишга шароит яратиб, турли рухсатномалар, гувоҳнома ва сертификатларни расмийлаштириш, солиқ ва коммунал тўловларни амалга ошириш, банк ва молия хизматларидан фойдаланиш, хориждан ускуна ва технологияларни олиб келиш ҳамда бошқа кўплаб хизматларни кўрсатиш имконини беради.

Тадбиркорлик субъектларига хизматлар кўрсатишни яхшилаш ва турли рухсатномаларни олиш жараёнларини соддалаштириш, соҳада амалга оширилаётган ишларнинг муҳим йўналишидир. Марказга ўрнатилган ахборот киоск орқали тадбиркорлар бизнес юритишнинг турли жиҳатларини қамраб тизимлашган маълумотлар базасидан фойдаланишлари мумкин.

Бизнесга кўмаклашиш марказида "Ягона ойна" тамойилини амалиётда қўллаш натижасида тадбиркорлик субъектларини турли ташкилотлар билан алоқа қилиш сони ва муддатлари қисқартирилади, давлат ва тижорат идораларига мурожаат қилиш харажатлари камаяди. Марказдаги ахборот (информацион) киоск орқали электрон маълумот олиш имкониятининг пайдо бўлиши эса тадбиркорларга бизнес юритишнинг турли масалалари бўйича зарур маълумотларни улар учун қулай шаклда тезкор олиш имкониятини беради.

Хусусан, амалиёт "Ягона ойна" принципи хизматлар кўрсатишнинг самарали шаклларидан бири эканини кўрсатмоқда.

Долзарб мавзуга бағишланди

Бахтиёр УСМОНАЛИЕВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўтган ҳафтада Юқори Чирчиқ туман прокуратурасида "Диний экстремизм, терроризм ва давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш" мавзусида навбатдаги семинар машғулоти бўлиб ўтди.

Семинарга Тошкент вилоят прокуратураси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъул ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари раислари таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Тошкент вилоят ИИБ, Божхона бошқармаси масъул ходимлари халқимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш, миссионерлик ва прозелитизм таъсиридан асраш, бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Тадбир иштирокчилари кун тартибидаги масалалар юзасидан очиқ мулоқотга киришиб, муқаддас динимизни ниқоб қилиб турли бузғунчи ғояларни тарғиб қилаётганлар ва барча турдаги миссионерлик ҳаракатларига қарши курашнинг самарали усули бу — жойларда тарғибот тадбирларини янада кучайтиришдан иборат, деган фикрга тўхталдилар.

Семинар машғулотда Тошкент вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори З.Мирзараҳимов, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раиси Х.Эрматовлар иштирок этишди.

Сифатсиз ёғ — келтирди доғ

Жасурбек САТТАРОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг катта инспектори

Маълумки, давлати мизда ёғмой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъ-молчиларнинг бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, энг аввало, ёғ ва омухта ем маҳсулотларини мажбурий тартибда, фақат товар-хомашё биржаси ва ёғмой савдосини амалга оширадиган корхоналар орқали сотиш тартиби йўлга қўйилган. Шунингдек, маиший шароитда чигитни қайта ишлаш ва пахта ёғини ишлаб чиқариш амалдаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланиб, чигитни қонунга хилоф равишда қайта ишлаш ва ёғ маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортилган чоралар белгиланган.

Шундай бўлса-да, ўрнатилган тартибни ва давлат назоратини четлаб ўтиб, яширин равишда ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Азим Ҳасанов билан Зуфар Эгамбердиевлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундайлардан бўлиб чиқишди. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан, яширин цех ташкил қилиб, қўлбола усулда мойжувоз ускунасида сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз ёғ маҳсулотларини ишлаб чиқараётган шоввозларнинг ноқонуний фаолиятига Департаментнинг Сирдарё вилоят ходимлари томонидан чек қўйилди.

Гарчи, суд томонидан ноқонуний фаолият юритган фуқароларга нисбатан қонуний жазо тайинланган бўлса-да, масаланинг иккинчи томони кишини ўйга толдиради.

Аввало, айтиш лозимки, ёғмой маҳсулотларини яширин равишда ишлаб чиқариш бу ёғ маҳсулотларининг танқислигидан эмас, балки мўмай даромад кетидан қувишдир. Қолаверса, улар ўзлари ишлаб чиқарган сифатсиз маҳсулотлар истеъмолчиларнинг саломатлигига ҳам жиддий зарар етказиши ҳақида ўйлаб кўришганмикан?!

Асосий мақсадимиз — ҳуқуқий ҳимоя

Ҳусниддин УСАРОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси катта инспектори

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шу билан бирга, солиқ, валютага оид жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келаётган шарт-шароитларга барҳам бериш борасида СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бошқарма томонидан ўтган йил давомида 47 та тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилиб, 105 та янги иш ўринларининг яратилишига эришилди.

Солиқ ва валютага оид жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш борасида ўтказилган текширишлар натижасида 185 та жиноят ва 28 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар фош этилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан бюджетга 9 млрд. 787,4 млн. сўмлик қўшимча солиқ, молиявий ва маъмурий жарималар ҳисобланиб, шундан 4 млрд. 121,0 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди.

Бундан ташқари, солиққа тортиш базасини кенгайтириш борасида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган 40 та яширин цех фош этилиб, 36 та жиноят иши ва 4 та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилган бўлса, вилоят ҳудудига ноқонуний товар-моддий бойликларнинг олиб кирилиши ва савдога чиқарилиши билан боғлиқ 2 та жиноят ва 1 та маъмурий ҳуқуқбузарлик фош этилди. Аниқланган биринчи ҳолат юзасидан ноқонуний ишлаб чиқарилган 23,0 млн. сўмлик маҳсулотлар, иккинчи ҳолат юзасидан эса 72,9 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Валюта соҳасидаги жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш борасида ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида 31 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 16 та жиноят ишлари қўзғатилган ва 15 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар юритилган. Ноқонуний муомалада бўлган 15301 АҚШ доллари, 10 евро, 48,1 млн. сўм, 177 минг қозоқ тенгеси ва 33 минг Россия рубли ашёвий далил тариқасида олиб қўйилган.

Шунингдек, ноқонуний нақд пул айланмаларини аниқлаш борасида амалга оширилган тадбирларда эса 19 та жиноят ва 1 та маъмурий ҳуқуқбузарлик фош этилди.

Тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган тадбирларда ҳам айрим қонунбузилиши ҳолатлари маълум бўлди. Масалан, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Жиззах филиали бош ҳисобчиси У.Эргашев мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда банк мижози бўлган "Асл қурилиш инвест" хусусий корхонаси мансабдор шахсларининг рухсатисиз ҳамда тўлов топшириқномаларисиз корхона ҳисоб рақамидаги 22857,0 минг сўм пул маблағини 7 та турли хўжалик юритувчи субъектларининг ҳисоб рақамларига ўтказиб юбориб, корхона манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган. Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Жиззах вилоят бошқармаси томонидан фуқаро У.Эргашевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, унга тегишли жазо тайинланган.

Шунингдек, Департаментнинг Арнасой туман бўлими ходимлари томонидан "АС Жиззах сервис" шўъба корхонасининг мурожаати ўрганилганда қуйидагилар аниқланди. Маълум бўлишича, фуқаро А.Хўшвақтов "АС Жиззах сервис" шўъба корхонасидан "Нексия" автомашинаси олиш учун ОАТБ "Агробанк" Арнасой филиалига 17 млн. 401 минг 170 сўм нақд пул маблағи топшириб, 7-сонли кирим паттасини олади ва ушбу ҳужжатни шўъба корхонасига тақдим этади. Мазкур тўлов ҳужжатига асосан автомашинали бўлган А.Хўшвақтов қувонган бўлса, ўз ҳисобларига бу маблағнинг келиб тушмаганлигини билган корхона раҳбарияти "чапак чалиб" қолаверади. Аниқланишича, ОАТБ "Агробанк" Арнасой филиалининг собиқ бошқарувчиси Р.Зиёев пул маблағини корхона ҳисоб рақамига ўтказмасдан, ўзлаштириб юборган экан.

Мазкур ҳолат юзасидан собиқ бошқарувчи Р.Зиёевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Халқимизда "кўза кунда эмас, кунида синади", деган нақл бор. Тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлганларга қонунчиликда белгиланган ана шундай чоралар кўрилади.

Шунақаси ҳам бўлар экан...

Жамиятнинг гули, меҳр маъбудаси, гўзаллик тимсоли — бу таърифларнинг барчаси оналарга, опа-сингилларимизга аталган. Дарҳақиқат, аёлсиз ҳаёт татимайди. Бир қўли билан бешикни, иккинчиси билан эса дунёни тебратишга қодир, юриш-туришимиздаги доимий суянчиғимиз бўлган аёлларни ҳар қанча мадҳ этсак ҳам озлик қилади.

Фарҳод ҚУРБОНОВ,
Жарқўрғон туман прокурори

Аммо, ана шу жисман нозик бўлса-да, маънан буюк қудрат соҳибаси бўлган опа-сингилларимизнинг орасида она деган буюк ва муқаддас номга доғ тушираётганларнинг ҳам учраб туриши ўта ачинарли ҳолдир.

Земфира Янбарисова ёш эмас, аллақачон 60 ёшни қоралаган. Бир нафар фарзанди ҳам бор. Табаррук ёшда бўлса-да, ёшларга панд-насиҳат қилиб, ўрнак бўлиш ўрнига пул топиш пайига тушди. Тўғри, пул топишнинг йўллари кўп. Аммо онахон ўзгача усулни танлади.

Жарқўрғон туманида истиқомат қилувчи таниши қизи Заринани пойтахтга олиб кетиб, Суворов мактабига ўқишга жойлаштирмоқчи эканлигини айтган онахонга қандай миннатдорчилик билдиришни билмай ҳам қолди. Ахир бугунги кунда ким ҳам бировга бундай яхшилик қилишни лозим топарди? Хизмат ҳақини айтмайсизми, атиги 300 минг сўм-а?! Устига-устак паспортини ҳам тўғрилаб беришармиш...

Хуллас, она З.Янбарисовани алқай-алқай, унга 300 минг сўм билан яна бир неча юз АҚШ доллари бериб, қизини ҳам қўшиб юборди.

Онахон йўл-йўлакай "энди сенинг исминг Гузаля, фамилиянг эса Гайнутдинова бўлди", дея Заринанинг қулоғига қуя бошлайди. Аслида Гузаля унинг 1995 йилда туғилиб, бир ярим яшарлигида вафот этган қизи бўлиб, З.Янбарисова буни ҳаммадан яширган, қизининг туғилганлиги ҳақидаги қалбаки гувоҳнома билан унинг Жарқўрғондаги мактаблардан бирида 3 синфгача ўқиганлигини билдирувчи қалбаки табелни ҳам тайёрлатиб, ўзи билан олволган эди.

Улар Тошкентга етиб келишгач, қизалоқнинг онасига берган ваъдаси "ёдидан кўтарилиб", уни бозорга олиб бориб, сигарет сотишга мажбур қила бошлади. Аммо, қизчанинг ўқиши ва яшаши ҳақида "қайғуришни" унутмади. Бунинг учун қалбаки гувоҳномадан фойдаланган ҳолда маҳалла раисига мурожаат этиб, сохта "Гузаля"ни ўзи истиқомат қилаётган уйда яшаши ҳақида маълумотнома олишга эришади. Сўнгра ушбу қалбаки ҳужжатлар орқали "Гузаля"ни мактабга жойлаштиришга муваффақ бўлади. Кейинчалик эса, яна қалбаки ҳужжатларни йиғиб, маҳалла фуқаролар йиғинига топширади-ю, қарабсизки, тез орада кам таъминланган оилалар сирасига кириши ҳақидаги маълумотномани қўлга киритади.

Бу орада "Гузаля"нинг ёши паспорт олиш даражасига етиб қолади ва З.Янбарисова яна "ишга" киришади ва кўп ўтмай Зарина З.Янбарисованинг вафот этган қизи Гайнутдинова Гузалянинг номи билан қалбаки фуқаролик паспортига эга бўлади.

Хайриятки, Земфира Янбарисованинг қинғирликларига ҳам чек қўйилди. Йўқса, ким билсин, у кейинчалик қалбаки ҳужжатлар орқали яна қанча "ишларни" амалга оширарди?

Шунингдек, иш фаолияти бевосита ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган идораларнинг мутасаддилари ҳам хизмат вазифаларини бажараётганларида янада ҳушёрроқ бўлиб, фаолият олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Имтиёзлардан ғараз мақсадларда...

Навбаҳор тумани "Кескантерак" ҚФЙга қарашли "Янги ҳаёт" маҳалласида яшовчи Қосим Нурмаматов бойлик орттиришнинг жуда қалтис йўлини танлади.

Фаррух УСМОНОВ,
Навоий вилоят прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

Уланишлари — "Қоражон" маҳалласи да яшовчи Ҳасан Тойиров ҳамда "Кескантерак" маҳалласида яшовчи Жамолиддин Каҳаровлар билан жиноий тил бириктириб, мўмай даромадни кўзлаганча, 2011 йилнинг март ойида Навоий шаҳар ҳокимининг 1382-сонли қарорига асосан "Atlant savdo Navoi" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этади. Ҳужжатларда раҳбар сифатида Ҳ.Тойировни, бош ҳисобчи сифатида эса Ж.Қаҳаровни номигагина кўрсатади-ю, аммо жамиятнинг фаолиятига асосан ўзи раҳбарлик қилади. Ноқонуний даромад орттириш асосий мақсадига айланган Қ.Нурмаматов 2011 йилнинг апрель-июнь ойларида жами 5 млрд. 312 млн. сўмлик молиявий фаолиятни амалга оширади. У банк муассасалари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пул маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаб бериш ва назорат қилишга ҳамда пул маблағларини ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқларини қонунда ёки банк ҳисоб варағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмаслиги қонунда белгилаб қўйилган бўлса-да, тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлардан ғараз мақсадларда фойдаланади. Яъни 1 млрд. 846 млн. 940 минг сўмлик харидоргир маҳсулотларнинг сотувидан тушган нақд пулларни банк муассасасига топширмасдан, бошқа мақсадларга ишлатиб юборибди, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузади.

Бундан ташқари, Қ.Нурмаматов МЧЖнинг норасмий раҳбари сифатида фаолият юритиб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар киритади. МЧЖнинг барча молиявий ва бошқарув ишларини ўзи юритиб, айрим расмий ҳужжатларга жамият раҳбари Ҳ.Тойировнинг номидан ҳам ўзи имзо қўяди. Қолганларига МЧЖ раҳбари ва бош ҳисобчисига имзо қўйдириб, расмий ҳужжатларни сохталаштириб, даромадлар, харажатлар ҳамда солиққа тортиладиган базага қайта қўшиладиган харажатларни тафтишга тақдим этмасдан яширади.

Жиноий ҳаракатларини давом эттирган Қ.Нурмаматов шу орада Ҳ.Тойиров, Ж.Қаҳаровлар билан биргаликда вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармасининг мансабдор шахслари билан тил бириктиради. Улар энди байрам тадбирлари иштирокчилари учун байрам либосларини харид қилиш режаси асосида бошқармага ажратилган 55 млн. 240 сўм маблағни ўзлаштириш мақсадида сохта ҳисоб фактураси тузиб, ўзларига ишониб топширилган пулни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қиладилар.

Бундан ташқари, Қ.Нурмаматов Навоий шаҳридаги "Илм толиби билим" хусусий корхонасининг норасмий раҳбари ва иш юритувчиси бўлиб, корхонанинг расмий раҳбари Н.Ҳайдаров, Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Қўҳна ва боқий Бухоро панорамаси" департаменти давлат корхонаси раҳбари Ф.Авезов, унинг ўринбосари Р.Саксонов, бош агроном А.Аминов ва бошқалар билан тил бириктириб, тендер савдосига дахлдор бир қатор ноқонуний ишларни амалга оширган. Натижада ўзганинг унга ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган 11 млн. 554 минг сўмлик мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб, давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган.

Суд судланувчилар Қ.Нурмаматов, Ҳ.Тойиров ҳамда Ж.Қаҳаровларга нисбатан айблов хулосаси билан юборилган жиноят ишини кўриб чиқди. Қ.Нурмаматовга ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди ва у 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бошқа айбдорларга нисбатан ҳам жазо муқаррарлиги таъминланди.

Биз йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисида кўп ўйлаймиз ва кўп мушоҳада қиламиз. Инсон ҳаёти билан боғлиқ бундай нохуш ҳолатларни бартараф этиш мумкинми? Сирасини айтганда, инсон умрининг бир қисми йўлда ўтади. Манзилга тинч, эсон-омон етиб борай, деймиз. Кўча тасодифларга тўла. Статистика маълумотларига қараганда, вилоятимиз ҳудудида ҳам ҳар йили ўрта ҳисобда 700 га яқин йўл-транспорт ҳодисаси рўй беради.

Ҳушёрлик кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олади

Абдуазиз ЭРГАШЕВ,
Қашқадарё вилоят ИИБ ЙҲХБ ЖТБИ ва ЖБАБ гуруҳи инспектори, майор
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

Инсоннинг ҳаётдан кўз юмиши ёки ногирон бўлиб қолиши, автоҳалокат туфайли ўз яқин кишисидан жудо бўлиши — катта фожиа. Содир этилаётган нохуш ҳодисалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда уларнинг келиб чиқишига ҳайдовчилар томонидан қоидабузарликларга йўл қўйиш, транспорт воситасини спиртли ичимлик ичган ҳолда бошқариш, йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиш, чарчоқ, паришонхотирлик, эътиборсизлик ва ҳоказолар сабаб бўлмоқда. Кейинги йилларда автоуловни бошқариб кетаётиб қўл телефонида гаплашиш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари ҳам учрамоқда. Бундай масъулиятсизлик оқибатида йўловчиларнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлигини унутиб қўядиган ёки бир дамгина чалғиш қандай оқибатларга олиб боришини назарписанд қилмай телефонда гаплашишни афзал кўрадиган ҳайдовчилар ҳам борлиги жуда афсусланарлидир.

Ҳайдовчи маданиятли бўлиши керакми? Ҳа, бу жуда зарур. Транспорт воситаларини бошқарувчи айрим ҳайдовчиларимиз кўпроқ йўловчи олиш учун ҳамкасблари билан тортишиб, бир-бирларини қаттиқ ҳақоратлаб, бунинг оқибатида асаблари бузилган ҳолда йўлга чиқадилар. Бундай кайфиятда транспортни бошқариш ҳам ёмон оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас.

Таҳлилларга кўра, вилоят ҳудудида рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисаларининг 31,4 фоизини тўқнашув, 9 фоизини ағдарилиш, 5 фоизини тўсиққа бориб урилиш, қолганларини бошқа турдаги ҳодисалар ташкил этади. Баъзи бир автомобил йўлларининг носозлиги улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмалари ҳолатининг талабга жавоб бермаслиги ҳам нохуш ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, автоҳалокатларнинг 34-35 фоизини пиёдалар иштирокидаги ҳодисалар ташкил этади. Ушбу кўрсаткичнинг юқорлиги шундаки, пиёдалар кўп ҳолларда йўлнинг белгиланган жойидан ўтиш қоидаларига риоя қилмайдилар ёки автомобил ҳаракатининг тезилигини инобатга олмайдилар.

Кейинги пайтларда йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, воқеа жойидан қочиб кетиш ҳолатлари кўпроқ кўзга ташлаяпти. Ўтган йилнинг 11 ойи мобайнида 12 та ана шундай ҳолат рўй бергани, бунинг оқибатида 7 нафар фуқаро ҳалок бўлгани ва 6 киши турли даражада жароҳат олгани, ногирон бўлиб қолганлиги қайд этилган. Масалан, 2011 йил 7 ноябрь куни соат 19:30 лар чамаси Қарши шаҳри, Хонобод кўчасидаги "Мансур ота" чойхонаси рўпарасида номаълум автомашина ҳайдовчиси йўлни кесиб ўтаётган пиёда Шаҳзод Сувоновни уриб юборади ва унга ёрдам кўрсатиш ўрнига жуфтакни ростлаб қолади. Жон талвасасида ётган фуқаро воқеа жойида ҳалок бўлади. Ушбу ҳолат юзасидан ички ишлар ходимлари томонидан тезкорлик билан "Тўсиб ушлаш" тадбири эълон қилиниб, олиб борилган қидирув ва суриштирув натижасида бу жинояни содир этган ҳайдовчи Чироқчи туманининг "Чортепа" қишлоғида яшовчи Жасур Эшмирзаев эканлиги аниқланди. Қарши шаҳрининг Ўзбекистон кўчаси "Баҳор" супермаркети рўпарасида оқшом палласи рўй берган автоҳалокат ҳам юқоридаги воқеага ҳамоҳанг. Бунда айбдор — "Дамас" русумли машина ҳайдовчиси Сардор Қувватов Бешкент шаҳридан юмуш билан Қаршига келган фуқаро Марям Абдуллаеванинг ҳаётига зомин бўлган ва воқеа жойидан қочиб яширинган. Инсонлар кўмагига кўз тутиб ажал билан яккама-якка олишиб ётган аёл ёрдам кўрсатилмаганлиги сабабли ҳалок бўлади.

Ота-она ҳузурига ошиқаётган ёки уйидагиларга қувонч билан қўл силкиб хайрлашганча мактаби томон бораётган жажжи ўғил-қизларимизни кўз ўнгизга келтиринг. Ногоҳ "Бир қизчани машина уриб кетибди", деган шум хабар ҳамманинг қалбини ларзага солади. Уйидан бир олам қувонч билан чиққан ўша қизалоқ энди йўқ...

Дилсўз Ҳамроқулова Китоб туманидаги 5-ўрта мактабининг 4-синфида ўқир эди. Собир Раҳимов кўчаси, 59-уй рўпарасида уни машина уриб кетади. 9 ёшли қизалоқни уриб юбориб, уни ўлим билан юзма-юз қолдирган бешафқат киши — шаҳрисабзлик Шаҳриёр Маликов бўлиб чиқди. Бу жиноят ҳам тезкор тадбирлар натижасида ўз вақтида фош этилди.

Бундай ҳолатларда ҳайдовчи ким бўлиши ёки қандай касби корда ишлашидан қатъи назар, биринчи навбатда, ўз инсонийлик бурчини бажариши — кўрқоқлик қилмасдан ёки қочиб қутулишни ўйламасдан жабрдийдага ёрдам қўлини чўзиши лозим.

Инсон ҳаёти, унга берилган умр ҳар нарсадан азиз. Умр ва ҳаёт қимматини ҳеч қандай тошу тарозу билан ўлчаб бўлмайди. Навоий бобомиз: "Жондан сени кўп севармен, эй умри азиз, сондин сени кўп севармен, эй умри азиз", деганларидек, фақат бир марта бериладиган умрни севиш, қадрига етиш ва унга зомин бўлмасликка интилиш, бунинг учун йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиш лозим.

Биз юқорида йўл-транспорт ҳодисалари, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар, умр отлиғ неъматнинг қадри тўғрисида айрим фикрларни ўртага ташладик. Мақсад фуқароларимизни, жумладан, ҳайдовчиларни ҳушёрликка чорлаш, ҳар қандай вазиятда ҳам инсонга ёрдам кўрсатиш, жабрланувчини ўз ҳолига ташлаб, ўзини қутқариш инсонга номуносиб эканлигини яна бир бор эслатишдир.

Чора-тадбирлар самараси

Бугун юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар Департамент идоралари зиммасига бир қатор муҳим вазифаларни қўйиш билан бирга катта масъулиятни ҳам юклайди. Жумладан, давлатга етказилган иқтисодий зарарларни аниқлаш ва ундириш, яширин иқтисодиётни фош этиш, нақд пул маблағларининг банклан ташқари ноқонуний айланишига чек қўйиш ва валюта муомаласи соҳасида содир этилган қонунбузилишларни аниқлаш энг долзарб масалалардан биридир.

Улуғбек УМАРОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи

Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан Республика Президенти Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокурор ва Департамент бошлиғининг раҳбарий буйруқ ва кўрсатмалари асосида иқтисодиёт, солиқ ҳамда валюта соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш борасида жорий йилнинг биринчи чорагида тезкор-қидирув фаолияти имкониятларидан фойдаланган ҳолда муайян ишлар амалга оширилди.

Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтган давр мобайнида ўтказилган 130 та тадбирлар натижасида иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, 110 та жиноят ва 20 та маъмурий иш кўзғатилди.

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишлар анчагина қисқартирилган бўлса-да, бошқарма томонидан тезкор-таҳлилий фаолиятга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Натижада давлат бюджетига жами 16 млрд. 679.9 млн. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, 4 млрд. 976, 5 млн. сўм маблағлар ундирилиши таъминланди.

Солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаш жиноятлари билан боғлиқ 9 та жиноят ишлари кўзғатилди. Жумладан, Нуробод туман ДСИдан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган "NUROBOD GOLDEN FAYZ" хусусий корхонасининг мансабдор шахслари солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида 2011 йилнинг учинчи чорагида бажарилган қурилиш-монтаж ишларини 505 млн. 627 минг сўмга камайтириб кўрсатишган. Йил якуни бўйича туман ДСИга ҳисоботларни тақдим этиб, шундан сўнг фаолиятини тўхтатиб туриб, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланиши лозим бўлган 136 млн. 360,3 минг сўмлик солиқ ва ажратмаларни тўлашдан бўйин товлаб келишган. Корхонанинг ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағларидан 669 млн. сўми шифер, 755 млн. 600 минг сўми цемент ва 1 млрд. 424 млн. 600 минг сўми бошқа юқори ликвидли товар-моддий бойликлар учун тўтказилиб, сўнг уларни улгуржи тарзда нақд пулга сотиб юборишган. Бу билан жуда катта миқдорда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари бузилганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Нуробод туман бўлими томонидан "NUROBOD GOLDEN FAYZ" хусусий корхонасининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, ўзлаштириш ва растрата йўли билан етказилган зарардан 27 млн. сўми ундирилиши таъминланди.

Бошқарма ва ҳудудий бўлимлар томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида қонунбузарлардан ноқонуний муомалага киритилган жами 284,1 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Шундан 7 та ҳолат бўйича 8,9 млн. сўмлик товарларнинг четдан ноқонуний олиб кирилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланди.

Валюта соҳасидаги қонунбузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида 30 та қонунбузарлик аниқланиб, 15 та жиноят ва 15 та маъмурий иш қўзғатилди. Айбдорлардан ноқонуний равишда муомалага киритилган 36 826 АҚШ доллари, 230 евро, 149 530 Россия рубли ва 104,1 млн. сўм ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Жумладан, 12 март куни Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Самарқанд тумани "Қавчинон" қишлоғининг марказида Раҳмон Вафоқулов фуқаро Ш.Субҳоновга 3 минг 723 АҚШ доллари 10 млн. 498 минг 860 сўмга сотаётган вақтида ушланди. Хужжатлаштириш ва текшириш давомида Р.Вафоқуловдан жами 4 минг 673 АҚШ доллари ва 23 минг 060 Россия рубли ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан Департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан фуқаро Р.Вафоқуловга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан ноқонуний равишда маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 32 та яширин цех фаолияти фош этилди, 31 та жиноят иши ҳамда 1 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан 58.430.9 минг сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Акциз маркасиз алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва уларнинг муомалага киритилиши билан боғлиқ 16 та қонунбузарлик аниқланди. Бу қонунбузилишлар натижасида 17,6 млн. сўмлик спиртли ичимликлар, 4 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Нақд пул айланмаларини янада қисқартириш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида 12 та жиноят иши қўзғатилиб, 6,9 млрд. сўмлик ноқонуний товар-пул айланмалари аниқланган.

Ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари томонидан содир этилаётган жиноятлар ва коррупция ҳолатларини фош этиш борасида 26 та қонунбузилишлар аниқланди. Жумладан, 8 та ҳокимият ходимига ва 31 та бошқа идора ходимларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, 23 март куни фуқаро А.Мухторов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилган. Аризада Оқдарё туманидаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида махсус гуруҳ аъзоси сифатида пенсиялар тайинланиши ва тўланиши юзасидан текшириш ўтказаётган туман ҳокимлиги молия бўлими ҳисобчиси Азизхон Сайидмуродов унга онаси Тошмуродова Тулғанойнинг пенсияси нотўғри чиқарилганлигини маълум қилган. А.Мухторовдан 700 минг сўм беришни талаб қилган. Акс ҳолда онасига ортиқча тўланган 7 млн. сўм пенсия пулларни қайтариб тўлаш лозимлигини баён қилган. Шу сабабли унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган. Ариза бўйича ўтказилган текширишда Самарқанд вилоят назораттафтиш бошқармаси, вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармасининг қўшма буйруғига асосан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг барча шаҳар ва туман бўлимларида пенсия ишларининг қонуний асосларда тўғри тайинланганлиги, меҳнат стажи, иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотларнинг асослилиги ҳамда шу билан боғлиқ масалалар юзасидан текшириш ўтказиш бўйича махсус гуруҳ тузилганлиги маълум бўлди. Ишчи гуруҳ таркибига жалб қилинган Оқдарё туман молия бўлими ҳисобчиси А.Сайидмуродов А.Мухторовдан онасига пенсия тайинлаш ва тўланиши билан боғлиқ қонунбузилишларни кўрсатмаслик эвазига дастлаб 700 минг сўм беришни талаб қилган. Кейин эса 200 АҚШ доллари ёки 560 минг сўм беришни айтган. Айтилган пулнинг 200 минг сўмини олиб, қолган 360 минг сўмни беришни талаб қилиб келган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир жараёнида А.Сайидмуродов А.Мухторовдан 360 минг сўм пулларни пора тариқасида олган вақтида ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Оқдарё туман бўлими томонидан А.Сайидмуродовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлар фаолиятидаги сунъий тўсиқлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга барҳам бериш борасида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳудуддаги телевидение, радио ва матбуотда мунтазам ёритиб борилиши ташкиллаштирилган. Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 57 та фуқарога амалий ёрдам кўрсатилиб, 75 та иш ўрни яратилиши таъминланди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларида 198 маротаба тарғиботташвиқот ишлари олиб борилди.

Аҳолида солиқ тўлашдан бўйин товлаш, иқтисодиёт, солиқ соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги тушунчасини шакллантириш ҳамда қонунларни тушунтириш фаолиятига ҳам жиддий эътибор қаратилиб, ҳуқуқ-тарғибот ишлари кучайтирилди. Ўтган даврда бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жами 1 минг 376 та ҳуқуқ-тарғибот тадбирлари ўтказилди. Бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилди.

Нафс домида

Ҳусанхон СОДИРОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Шайхонтоҳур туман бўлими катта суриштирувчиси

Ёз бошланиб, ўқишлар тугаши биланоқ, мактабни битирувчи ўғил-қизи бор деярли ҳар бир ота-онанинг олдида фарзандимни қаерда ўқитсам экан, деган савол пайдо бўлади. Ўғлидан фақат Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежида ўқийман, деган жавобни олган она, эртасига бунинг учун қанақа ҳужжатлар керак бўлишини аниқлаш мақсадида коллежга йўл олди. Манзилга етиб келгач, дарвозадан кираверишдаги қоровулхонада ўтирган ўрта ёшлардаги кишидан ҳужжатларни қаерда қабул қилишаётганини сўради.

— Нима масалада келгандингиз, опа?

— Ўғлим мактабни тугатган эди. Энди фақат шу ерда ўқийман, деб туриб олди. Шунга бир хабар олиб кетай, деб келгандим. Ўзингиз ҳам шу ерда ишласангиз керак?

— Янглишмадингиз. Аммо ўғлингиз бу ерни танлаб, тўғри қилибди. Баҳонада "права"лик ҳам бўлиб олади. Аммо опа, сиздан яширмайман, колежимизда ўқийман деганлар жудаям кўп. Шуни билсангиз керак?

— Эшитганим бор-у, лекин унчалик қийин бўлмаса керак? Ахир коллеж институт эмас-ку?!

— Гапингиз тўғрику-я, бироқ ўғил болаларнинг деярли ҳаммаси техникага қизиқади-да! Шунинг учун ҳужжат топширмоқчи бўлганлар жудаям кўп. Агар хоҳласангиз, ёрдам беришим мумкин.

— Ростданми, умрингиздан барака топинг. Сизга каттакон раҳмат.

— Раҳмат айтишга шошилманг. Унгача бир нарсани гаплашиб олишимиз керак, — у шундай дея, аёлни ичкарига бошлади.

— Мана энди, гаплашиб олсак ҳам бўлади, исмим Раҳматилла. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлайман. Хуллас, гап бундай опа, боя айтганимдек, ўғлингизнинг ўқишга киришига қўлимдан келганча ёрдам бераман. Фақат озроқ харажати бор. Нима дейсиз?

— Розиман, кўп эмасми, ишқилиб?

— Кўп эмас, бор-йўғи 600 доллар.

— Вой-бў, сал камайтиришнинг иложи йўқми?..

Хуллас, кўп ўтмай хизмат ҳақини 500 долларга келишишди ва Раҳматилла аёлга телефон рақамини ёзиб берди. Иши битишидан қувонган она уйига қайтар экан, янги таниши ҳужжат масаласида умуман аралашмаганлигидан ҳайрон ҳам бўлди. У икки-уч кун қилаётган ишидан кўнгли тўлмай, иккиланиб юрди-да, охири тегишли идораларга мурожаат қилишни лозим деб топди...

Орган ходимлари аризани қабул қилиб олишгач, режа ишлаб чиқиб, унга махсус ишлов берилган пулларни беришди. Шундан кейин Раҳматиллага кўнгироқ қилинди. У дарҳол учрашув жойини белгилади. Айтилган вақтда учрашдилар-да, она пулни унга берди. Раҳматилла пулни санаб олар экан, ўғли ўқишга, албатта, киришини қайта-қайта таъкидлади. Аёл у билан хайрлашган заҳоти Департамент ходимлари пайдо бўлишди...

Текширув чоғида Раҳматилланинг машинасидан устидаги қоғозга бир ўқувчининг манзили ҳамда ўқиган мактабининг рақами ёзилган яна 400 АҚШ доллари ҳам топилди. Маълум бўлишича, у яна бир фуқарога фарзандини айнан ўша коллежга ўқишга жойлаб қўяман, деб шу пулларни олган ва бу ерга шошилиб келган экан.

Айтмоқчи, яна бир ажабланарли ҳолат: қаҳрамонимиз ҳақиқатан ҳам шу коллежда директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари сифатида фаолият юритган бўлиб, юқоридаги воқеалар юз беришидан сал олдин ишдан бўшаган экан.

Хуллас, гарчи ҳеч қандай алоқаси бўлмаса-да, ўқишга жойлаб қўйиш қўлидан келишини писанда қилиб, фарзандларининг ташвиши билан юрган оналарнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, баҳонада "уч-тўрт сўм"лик бўлиб қолишни мўлжаллаган собиқ ўринбосарнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

Ота-бола қаллоблар

Оталар одатда фарзандларига тўғри тарбия бериб, уларни ҳалол яшашга ўргатишади. Аммо гоҳида ноқобил фарзандлар ҳам учраб турадики, улар отасининг ўгитларини қулоғига олмай, жиноят кўчасига кириб қолади ва падарининг юзини ерга қаратади. Бироқ биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеада аксинча — ота ва ўғил ўзаро тил бириктириб, қаллоблик билан шуғулланишган. Энг ачинарлиси, ота ўғлини қиғнир ишдан қайтариш ўрнига, унга кўмакдош бўлиб, жиноятга шериклик қилган.

Ҳаммаси 2009 йилнинг август ойида Нафиса Иброҳимовани жияни Дилмурод Зуфаровнинг(исм-фамилиялар ўзгартирилган) ота ҳовлисига чақирувидан бошланди. Нафиса опа борганида қариндошлари илиқ кутиб олишди. Дилмурод салом-аликдан сўнг муддаога ўтди.

— Шу десангиз хола, ҳозир бизга озгина пул керак бўп турипти. Хабарингиз бор, кредит уюшмасидан пул олгандик. 8 миллиони ҳали бўйнимизда. Уюшмадагилар ҳам қистаб, тезроқ тўланглар, деб қўйишмаяпти. Шунга Қўрғонтепадаги фундаменти қурилган уйимизни сотмасак бўлмайди. Ҳовли олмоқчи бўлиб юргандингиз. Шу уй бегона бўлмасин, деб сизни чақиртирган жойимиз.

Ҳақиқатан ҳам Нафиса опа анчадан буён ҳовли-жой сотиб олиш "дарди"да юрганлиги сабабли, бу таклиф билан қизиқиб қолди.

— Ери қанча ўзи?

— 4 сотих.

— Неча пулга сотмоқчисиз?

— От билан туя бўлармиди, хола. Сизга фалон пул беринг, демаймиз-ку. Айтдим-у, шу кредитни ёпсак бўлди деб.

— Барибир нархини келишиб олишимиз керак-ку. Мўлжалингиз қанча?

Дилмурод дадасига маъноли қараш қилиб олиб, яна холасига назар ташлади. Бир муддат сукут сақлаб, ўзича хомчўт қилиб кўргандай бўлиб, сўнг сўз қотди.

— Мен сизга 10-15 миллион беринг демайман хола. Сиз ўзимизникисиз, 7 миллион берсангиз бўлди.

Нафиса жияни сўраган сумма борасида хийла ўйлаб кўриб, розилигини билдирди. Улар қариндошлар олдида оғзаки равишда келишиб олишди. Орадан бироз вақт ўтганидан сўнг, аниқроғи, 4 сентябрь куни Қосим ака қайнсинглисидан уй-жойнинг сотилганлиги ҳисобидан 2 миллион олади ва унга ўзининг номидаги уй ҳужжатлари нусхаларини беради.

— Буёғидан хавотир олманг. Уйни ўзимиз сизнинг номингизга ўтказиб берамиз. Ҳали уёққа, ҳали буёққа чопиб овора бўлмайсиз, — дейди Қосим ака ваъдани қуюқ қилиб.

Нафиса опа "қариндошларим алдамаса керак", деган ўй билан ҳеч бир эътирозсиз унинг таклифига рози бўлади. Аммо қариндош, жигар деганлари юзинг-кўзинг демай уни чув туширишди. У ота-болага берган 10 миллион сўмидан ташқари, яна миллионлар сарфлаб, уйни қуриб битказди. Ҳовлига кўчиб ўтишни режалаштириб туришганида кутилмаган воқеалар содир бўлди.

Нафиса опага сотган ҳовлини ота-бола қаллоблар, энди бошқа бировга сотиб юборишади. 2011 йил 2 июнь куни фуқаро Ёқутхон Кўчқоровани алдаб, ҳовлини 40 миллион сўмлик қарзи эвазига унинг номига ўтказиб беришади.

Қариндошларининг фирибига лаққа тушиб, ҳовлидан қуруқ қолаётган Нафиса опа ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди...

Суд томонидан фирибгарликни касб қилиб олган ота-болага тегишли жазо тайинланди.

М.АҲМАДЖОНОВ,
Бош прокуратуранинг ОЎК тингловчиси

Агар огоҳ сен...

Бу ҳақда жуда кўп ёзилиб, гапирилиб, салмоқли ишлар ҳам амалга ошириб келинаётган бўлса-да, аммо ҳанузгача ечимини тўлиқ топмай, долзарб муаммолигича қолмоқда. Қиғнир йўллар билан содда фуқароларни алдаб, пул топишни касб қилиб олганлар ўз мақсадлари йўлида тиним билмаяптилар.

Шуҳрат Примов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) аввал ҳам бир неча бор судланган бўлишига қарамай, яна жиноятга қўл урди. Бу сафар у Қозоғистон Республикасида фуқароларни чет элга ишлашга юбориш билан шуғулланувчи ТОО "КАЗАКЕЙ-НК" компанияси раҳбари Б.Мамет билан топишди ва шериклар компаниянинг Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Хўжақўрғон маҳалласи ҳудудида ноқонуний филиалини очиш режасини тузишди(нима учун ноқонуний эканлигини қуйида билиб оласиз). Тез кунда фуқароларни Польша давлатига ишлаш учун юборадиган компанияни "ташкил этиб", маҳалладаги чойхонани ижарага олишди.

Бу компанияга раҳбарлик қилиш Б.Маметга топширилди. Ш.Примов унинг ўринбосарлигига, Султон, Бурхон, Зариф, Чори ҳамда Али исмли йигитлар эса агентликка тайинланишди.

"Филиал"нинг фаолияти йўлга қўйилгач, агентлар кўча-кўйда ишга таклиф ҳақидаги эълонлар тарқатиш билан бирга, газеталарда ҳам чоп эттира бошлашди. Кўп ўтмай, эълонлар ҳам, агентларнинг ҳаракатлари ҳам ўз "мева"сини бера бошлади.

"Иш"ни Қорақалпоғистонда бошлаган Али 2009 йилнинг мартида ўша ерлик О.Умаров билан танишди ва ўзини Қозоғистондаги ТОО "КАЗАКЕЙ-НК" компаниясининг агенти, деб таништирди. Чет элда ишлаб, даромад топиш илинжида юрган О.Умаров бўлса, суриштириб ҳам ўтирмай, "меҳнат шартномаси"ни тўлдирди. Агентлик хизмати учун 100 АҚШ доллари ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун 287 минг сўм пулни Алининг қўлига тутқазди...

Ўша йилнинг бошида агентлар Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларида яшовчи яна 15 нафар фуқарони ўз ўлжаларига айлантириб, суғурта ҳужжатларини расмийлаштириш ва агентлик шартномаси учун, дея улардан жами 1 минг 500 АҚШ доллари ва салкам 4 млн. сўм пул олишади. Бу маблағнинг ярми филиалнинг раҳбарларига етказилади.

Айтмоқчи, агентлар нафақат Қорақалпоғистонда, балки юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам иш олиб боришган. Масалан, февраль-июнь ойларида агентлар бир неча қашқадарёликларга яхши иш билан юқори маош ваъда қилиб, уларнинг ҳар биридан 300-400 АҚШ долларидан пул олишади. Охир-оқибатда улар 4 минг 400 АҚШ доллари миқдоридаги пулларидан айрилиб қоладилар. Бу каби алдов қурбонлари орасида Андижон, Жиззах ва Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида яшовчи фуқароларнинг ҳам борлигини айтиб ўтиш жоиз.

"Филиал" вакиллари эса, одамларнинг пулларини олгач, сохта шартномаларни тўлдиртиришарди-ю, янги "ўлжа"нинг пайига тушишарди. Хорижга қачон жўнашини сўраб, мурожаат қилганларга эса бироз кутишни айтишарди.

Ҳар қандай қиғнир ишнинг ҳам бир кун келиб миси чиққанидек, сохта филиалда фаолият юритган сохта вакиллар ҳам ахийри қўлга тушдилар. Газетадаги эълон орқали уларнинг тузоғига илиниб қолган тошкентлик С.Белоусов, ҳа, деганда натижа бўлавермагач, ҳужжатлари ва 600 АҚШ доллари миқдоридаги пулини олган агент Султонга қўнғироқ қилди. У орқали раҳбар билан ҳам учрашди. Б.Маметдан чет элга кетишдан аввал 3 ой Чимкент шаҳрида синов муддатини ўташи лозимлиги ҳақидаги хабарни эшитган С.Белоусов, шартга рози бўлди. Аммо айтилган муддат ўтса-да, ўзгариш бўлмади. Шундагина С.Белоусов алданганини сезиб қолди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига мурожаат қилди...

Уюшган гуруҳнинг қилмишлари Тошкент вилоят судида кўриб чиқилиб, фирибгарлар жазога тортилдилар.

Юнус МАМАДАЛИЕВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори
Баргида МЎМИНЖОНОВА,
«Huquq»

Юртимизда алкогол маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ қонунбузарликларга нисбатан кескин чора кўрилаётганига қарамай, ушбу жиноятга қўл ураётганлар топилади.

Ароқфурушлар

Ўткирнинг узоқ қариндоши Жаҳонгир анча вақтдан буён Россияда яшаб келаётган эди. Жаҳонгир ҳар замонда Россия давлатида ишлаб чиқарилган "Парламент" номли ароқларни юбориб турар, Ўткир эса уларни сотиш билан шуғулланарди.

— Ўткир ака, сизда ароқ бор экан, илтимос, бизга ҳам сотинг, — деди бир киши телефон қилиб.

Ўткир унга 140 дона "Парламент" ароғи борлигини, ҳар бирини 22 минг 500 сўмдан сотишини айтди. "Харидор" рози бўлди. Улар Самарқанд шаҳрида учрашишга келишишди.

Ўткир 11 та картон қутига жойланган 139 дона ароқни машинасига юклаб, йўлга тушди.

— Мен келишилган жойга етиб келдим, — деди кутаётган одамга қўнғироқ қилиб.

"Харидор" ҳам кўп куттирмай етиб келди. Ўткир 139 дона ароқ учун келишилган 3 млн. 127 минг 500 сўмни олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлга олинди.

Суд ҳукми билан Ўткир Неъматжоновга ҳар ойда иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Шунингдек, ашёвий далил сифатида олинган, Россияда ишлаб чиқарилган, акциз маркасиз, умумий баҳоси 3 млн. 336 минг сўмлик 139 дона "Парламент" ароғи тегишли тартибда йўқ қилинди.

Бу каби қонунбузарликларга аёллар ҳам аралашиб қолаётгани ачинарли. Ёши элликдан ошган Муқаддам опа Пастдарғом туманида яшайди. Тўрт нафар фарзанднинг онаси. Кейинги пайтларда негадир у оила бюджетига ўз ҳиссасини қўшишни истаб қолди. Турли йўллар билан ноқонуний, ҳеч қандай лицензияга эга бўлмаган спирт маҳсулотларини олиб келиб, сота бошлади. У одатдагидек катта сумкаларга 14 дона 1,5 литр ҳажмдаги ҳамда бир дона 1 литрлик елим идишларда жами 21,5 литр бўлган этил спиртини олиб йўлга чиқди. Бироқ у бу сафар кўзлаган манзилига етолмади. Йўлда машина кутиб турганида вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Унинг хонадони кўздан кечирилганида, 13 дона бир хил серияли акциз маркалар топилди.

Суд М.Пратованинг қилмишини "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорнинг 1-банди "а" кичик банди таъсири доирасига тушишини инобатга олиб, унга нисбатан очилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатди.

Шундай жиноятга қўл урганлардан яна бири Умид исмли йигит бўлиб, у Самарқанд шаҳридаги "Ориён" савдо марказида ишчи бўлиб ишлайди. Унинг Россия Федерациясида ишлайдиган тоғаси Ўктам ароқ жўнатиб туради, Умид эса уларни сотиш билан шуғулланади. Шундай кунларнинг бирида Умид ўртоғи Суҳробнинг машинасини унинг рухсатисиз миниб, уйига борди. Машинага Россияда ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси бўлмаган, ҳар бирининг баҳоси 25 минг сўмдан жами 2 млн. 475 минг сўм бўлган 99 дона 0,5 литр ҳажмдаги "Беленьская" номли ароқларни юклади. Аввалдан келишилганидек, Самарқанд шаҳрига олиб келди. "Харидор"га ароқларнинг ҳар бирини 23 минг сўмдан савдолашиб, 2 млн. 300 минг сўмга сотаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Суд ажримига биноан Умид Мирзаевга нисбатан очилган жиноят иши амнистия актига мувофиқ ҳаракатдан тугатилди. Жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида олинган ароқлар тегишли тартибда йўқ қилинди.

Шунингдек, Самарқанд туманида яшовчи Дилшод ҳамда Зафарлар ҳам шундай жиноятга қўл уришди. Икковлон Самарқанд шаҳар Рўдакий кўчасида жойлашган савдо дўконида тадбирга харидор сифатида жалб қилинган кишига баҳоси 1 млн 647 минг сўмлик, яъни 40 шиша 1 млн. сўмлик "Беленьская", 38 шиша 608 минг сўмлик "Морозная солнце", 3 шиша 39 минг сўмлик "Норд стандарт" номли спиртли ичимликларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз сотмоқчи бўлганларида жиноят устида ушланди.

Мазкур ишни кўриб чиққан суд Дилшод Рашидов ҳамда Зафар Рашидовларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Хуршид БЎРИЕВ,
Самарқанд вилоят прокурори ёрдамчиси

Ниқобдаги қотиллар

Қиш қамчисини ўйнатган январь тонгларининг бирини Чироқчи туманидаги Ҳушали қишлоғи аҳли ваҳимали хабар билан қарши олишди. Қишлоқдошлари Эшмўмин Турғуновни (исм-фамилиялар ўзгартирилган) тунда кимдир ўлдириб кетганди.

Д.АЗИМОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси АМИБ терговчиси
Ж.БОЙМУРОДОВ,
журналист

Турғуновлар хонадонидаги йиғи-сиғи, дод-фарёд овозини эшитган қўни-қўшнилар уларнинг ҳовлисига югурди. Босқинчилар Эшмўминни қийнаб ўлдириб, сейфдаги пулларини ўмариб кетгани етмагандек, унинг мурдасини ҳам хўрлаб, ҳовлидаги қудуққа ташлаб юборишган эди.

Қишлоқдошлар тўпланишиб, энг аввал марҳумни қудуқдан чиқариб олишди. Кейин сўров-суриштирув бошланди. Участка нозирига, ИИБ ходимларига хабар беришди.

Қотиллик тунда содир бўлган бўлиб, бу вақтда Эшмўмин Турғуновнинг катта ўғли Шуҳрат қайсидир ўртоғиникида меҳмонда экан. Унинг билгани тун ярмида уйга келганида, ўғай онаси отасини босқинчилар ўлдириб, қудуққа ташлаб юборишганини айтган. Бошқа ҳеч нарсани билмайди. Уйда марҳумнинг хотини — Улуғой Ҳурматова, икки қизи ва кичик ўғиллари бўлган. Улар қотилликнинг гувоҳи бўлишган. Бироқ, юзига ниқоб таққан босқинчиларнинг "овозинг чиқса ўласан" деган буйруғига бўйсунишдан бошқа иложи қолмаган.

Дастлабки суриштирувлар чоғида шу нарса аён бўлдики, қотилликда марҳумнинг хотини — Улуғой Ҳурматованинг ҳам қўли бўлиши мумкин. Боиси...

Эшмўмин Турғунов балким ўзи сабабчидир, балки пешонасига ёзилгани шудир — бошидан оилага ёлчимади. У биринчи хотини билан ажрашганида ўртада битта ўғли бор эди. Ўғлини ҳам хотини олиб кетгач, бошқасига уйланди. Иккинчи турмушидан бир ўғил, икки қиз туғилди. Анча йил ўтиб, иккинчи хотини ҳам унга ёқмай қолади. Ўртада қунора жанжал, охири иложи қолмаган хотини уч фарзандини қолдириб, ўзи кетишга мажбур бўлади. Шундан сўнг, Э.Турғунов яна хотин излай бошлайди. Унга бу сафар эри билан ажрашган, битта қизи қарамоғида бўлган Улуғой Ҳурматовани тавсия этишади. Ўртада вакиллар ишни битиргач, рози-ризочилик билан мулла чақирилиб, никоҳ ўқитишади.

Э.Турғуновнинг иккинчи хотинидан туғилган уч фарзанди ва У.Ҳурматованинг биринчи эридан туғилган қизи улар билан биргаликда яшай бошлашади. Орада яна икки ўғли — Баҳодир ва Шерзодлар туғилади. Четдан қараганда улар тинч-тотув ҳаёт кечираётгандек эди. Бироқ...

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, аввалги икки хотинини уриб-сўкиб ўрганган Эшмўмин яна эски одатини бошлайди. Хотинининг ҳар битта ишидан камчилик топиб, жанжал кўтараверади. У билан ҳам ажрашмоқчи бўлади. Лекин У.Ҳурматова ҳам оғзидаги ошини олдирадиган, таёқ еса "эр бўлгандан кейин уради-да", деб кетаверадиганлар хилидан эмас эди. Эр-хотин ўртасида бўладиган ҳар кунлик жанжал, тортишувлар фарзандларни зада қилиб юборади. Бунинг устига Улуғой эрининг олдинги хотинидан туғилган уч фарзандига, Эшмўминнинг эса хотинининг биринчи турмушидан туғилган қизи — Азизага ўғайлик кўзи билан қарашлари вазиятни янада таранглаштиради. Ана шу жанжаллар сабаб, Эшмўминнинг ўн етти ёшли қизи Гулнора ўз жонига қасд қилгач, оилада ҳеч кимнинг бир-бирига ҳурмати қолмайди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Э.Турғуновни ўз хотини — Улуғой ўлдирган, деган тахминга бориш мумкин эди. Лекин мурданинг жароҳатлари қотилнинг анчагина жисмоний кучли бўлганлигини тасдиқлар эди. Қолаверса, улар уй эгасини ўлдириб, сейфдаги пулларини шилиб кетишган. Демак, бу иш қандайдир босқинчилар томонидан уюштирилган бўлиши мумкин эди. Нима бўлганда ҳам, қотилларни марҳумнинг хотини ва қизлари кўришган. Биринчи ўринда улардан сўраб-суриштириш керак. Шу вақт "хотинини чақиринглар", деган сўроққа кимдир "янгамиз қўрқиб кетганидан ўзини босиб олиш учун болаларини олиб, отасиникига кетибди", деган жавобни айтди. Эшмўминнинг катта қизи Холиданинг йиғлаб айтган гапларидан сўнг воқеа ойдинлашди...

* * *

— Миржамолжон, ишларинг яхшими, қийинчиликлар йўқми? — марҳума опасининг катта ўғлидан ҳол-аҳвол сўради, бир сафар уларникига борган Улуғой.

— Яхши, хола, Тошкентга бориб, бир-икки сўм топиб келяпман. Кун ўтяпти. Ўзингиз қандайсиз, бўлалар яхшими?

Улуғой йиғламсираб жавоб қилди:

— Бўлаларинг қаёқдан яхши бўлсин. Поччангни биласан-у...

— У сизларни яна уряптими?

— Қанийди мени уриб қўя қолса. Бечора Азиза бўлангга қийин бўлди. Поччанг унга сен ўгай, деб кун бермайди. Шу чол ўлса-ю, қутулсам. Бир танишим бўлса экан, шартта ўлдиртириб юборардим, шу ер ютқурни.

Улуғой бу гапларни бекорга айтмаётганди. Унинг қалбида шум ният аллақачон туғилиб бўлган ва буни амалга ошириш учун йўл қидираётган эди. У марҳума опасиникига жиянларини кўриб келиш учун бориши замирида ҳам бошқа мақсад яширинган эди.

Аслида бу дунёни эрта тарк этган опасининг болаларига ғамхўрлик қилиш, қўлидан келганича тўғри йўл кўрсатиб, тарбияли бўлишга ундаш Улуғойнинг ҳам инсонийлик бурчи саналарди. Бироқ, у ўз жиянига ғамхўрлик қилишнинг бошқа йўлини топди.

— Миржамолжон, мени поччангдан қутқар... Уни бир нарса қилмасанг бўлмайди. Менга ёрдам бер. Сен ҳам бир-икки сўмли бўлиб қоласан.

Холасининг зор йиғлаб қилган илтижолари, қолаверса, катта пул ҳақидаги ваъдани эшитиб, Миржамолнинг ҳам фикри бузилди. У ўйлаб кўриб, жавобини айтаман, деб холасини жўнатди.

Миржамол 1989 йилда туғилган. Оиласи билан Чиял жамоа хўжалигидаги Ғаллакор қишлоғида истиқомат қиларди. Тўққизинчи синфни битириб, ўқишни давом эттирмасдан, мардикорчилик қилиб пул топиб юрадиган бу йигитчага холасининг катта пул ҳақидаги ваъдаси пишиб турган ошдек туюлди. "Нима қипти, икки соатда битираман. Шароитни холамнинг ўзи яратиб бераман деди-ку. Менимча уддаласам керак". Шу хаёллар билан уйқуси қочган йигит холасига телефон қилди:

— Хола, поччамни тинчитиб берсам, қанча берасиз?

— Нақд бир миллион оласан, — нариги томондан холасининг овози дадил жаранглади.

— Бу кам хола, битта танишим бор, самарқандлик, бунақа ишларни хамирдан қил суғургандек бажарадиган бола. Айтсам, йўқ демайди. Фақат бир ярим миллион берасиз.

— Бўпти, пулини бир гап қилармиз, ишни тезлаштиринглар.

Хайр-хушлашиб, телефонни ўчирганида Миржамол ўзи билмаган ҳолда холасига ваъда бериб бўлганини англади. Самарқандлик "киллер" жўраси ҳақидаги гаплари эса шунчаки сафсата эди. Нима бўлганда ҳам энди орқага йўл йўқ. Бирорта шерик топиш керак. Кимга айтсам экан...

Ўзининг синфдоши, мактабни битириб вилоят марказидаги спорт коллежида ўқиётган Достон Мамадиёров унинг илтимосига йўқ демади. Иккаласи пинҳона режа тузишди.

* * *

— Ҳотам ака, бизни Кўкдалага олиб бориб келолмайсизми? Бир қиз билан учрашувимиз бор эди. Ҳақини икки ҳисса қилиб берамиз.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаса-да, ўзига тегишли "Жигули" машинасида қишлоқ ичида киракашлик қилиб юрадиган Ҳотам Миржамол билан Достоннинг гапига жон деб рози бўлди. Ҳотамнинг "Жигули"си Ғаллакор қишлоғидан Ҳушалига қараб йўлга тушди.

Катта пул иштиёқида қотилликдек оғир жиноятни амалга ошириш учун машинанинг орқа ўриндиғида гердайиб бораётган икки йигитга фақаттина ачиниш мумкин эди, холос. Улар ўзларини қандай чоҳга ташлаётганини, олдинда нималар кутаётганлигини ҳали билишмасди. Эндигина йигирма ёшни қаршилаётган Миржамол ҳам, Достон ҳам юрагини қанчалик босиб олишга уринишмасин, гап-сўзлари, хатти-ҳаракатларида жуда кучли безовталик бор эди. Буни Ҳотам ҳам англади:

— Учрашувдан қанча вақтда қайтасизлар, — ўсмоқчилаб сўради у.

— Билмадим, буёғи гурунгнинг қанча вақтда тугашига боғлиқ.

— Яна мен кўп кутиб қолмайин дейман-да. Агар кўпроқ кетадиган бўлсаларинг мен машинани холангникига киритиб қўйиб...

— Йўқ! — Ҳотамнинг гапидан шошиб қолди Миржамол. — Холамникига қўйиб бўлмайди.

Шу тахлит қишлоқ атрофида анча вақт изғиб юришди. Охири аниқ мақсадини ҳайдовчидан яширишнинг иложи қолмаганлигини англаган Миржамол ёрилишга мажбур бўлди:

— Тўғриси, ҳеч қандай қиз билан учрашувимиз йўқ. Поччамнинг сейфидаги пулларни ўмаришимиз керак. Шунинг учун машинанинг номерини олиб қўйинг, ака.

Ҳотам ўзининг қандай жиноятга шерик бўлаётганлигини англаган бўлса-да, индамай машинанинг номерларини ечиб олди. Кейин шерикларининг машина ичида юзига ниқоб тақиб, чўнтакларига арқон ва пичоқ жойлаётганини кўриб, яна хавотири ошди.

— Ишқилиб тинч қайтасизларми?

— Тинч қайтамиз ака, сиз шу яқин атрофда кутиб туринг. Ўзимиз телефон қиламиз. Холамнинг эрини жаҳаннамга жўнатиб, пулларини олиб қайтамиз.

Улар шундай деб қишлоқ томонга югуриб кетишди. Ҳотам эса қандай мудҳишликнинг гувоҳи бўлаётганини англаб, ортига жўнаб қолди. Ана шу ерда у бир хатога йўл қўйди. Содир этилажак қотиллик ҳақида бирорта ИИБ ходимларига зудлик билан хабар бериши лозим эди. Лекин "туя кўрдингми йўқ" қабилида йўл тутган Ҳотам Муродуллаев билганлари ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса деб чурқ этмади. Бу эса, ўзига жуда-жуда қимматга тушди.

* * *

Қишлоқ ёнидаги зовур ичида беркиниб, совуқда дир-дир титраб ўтирган икки йигит Улуғойнинг телефон қилишини кутарди. Ваъдага мувофиқ, Улуғой Ҳурматова эрининг овқатига кучли уйқу дори қўшиб бериши, Миржамол билан Достон эса секин бориб, "почча"ни уйқусидаёқ тинчитиб, пулни олиши ва изсиз ғойиб бўлиши керак эди. Улар қишлоқдан чиқиши билан Улуғой жабрдийда сифатида уйини талончилар босгани, эрини ўлдириб, пулларини шилиб кетишгани ҳақида қўни-қўшнига дод солиб, тегишли органларга хабар бериши, шунда улардан ҳеч ким шубҳаланмаслиги режалаштирилган эди. Бироқ...

* * *

Эшмўмин Турғунов бу тун ўзи учун сўнггиси бўлишини сезгандек, ҳеч уйқуси келмади, анча вақт телевизор кўриб ўтирди. Охири овқатига қўшилган уйқу дори ўз кучини кўрсатиб, икки кичик ўғлини ёнига олиб ухлаб қолди. Катта ўғли Шуҳрат қаёққадир чиқиб кетган, хотини эса икки қизининг ёнига ўтиб ётган эди. Ҳамма ухлагандек кўринса-да, аслида Эшмўмин билан икки кичик ўғлидан бошқа ҳеч ким ухламаганди. Улуғой дам-бадам нариги хонага чиқиб, қизи Азизанинг телефонида ким биландир гаплашиб келаётган бўлса, Азиза онасининг нега бунчалик телефонга ёпишиб олганидан, холасининг ўғли Миржамолнинг бугун нега онаси билан телефонда бунча кўп гаплашаётганидан безовта эди. Эшмўмин Турғуновнинг катта қизи — Холида эса кўрпани бошига буркаб, даг-даг титрарди. У шу лаҳзада қанчалар ожизлигидан, аксига олиб, акаси Шуҳратнинг ҳам шу бугун қаёққадир чиқиб кетганлигидан жонсарак эди...

* * *

Миржамол билан Достон ниҳоят тун ярмида "сигнал берган" Улуғойнинг телефонидан сўнг, уларнинг ҳовлиси томонга юра бошлади. Дарвоза очиб қўйилган, ҳовлидаги катта ит кўздан пана жойга олиб боғланган экан. Ниҳоят, улар уйнинг эшиги ёнига келишди.

— Мана бу уйда ухлаб ётибди, — шивирлади уларга пешвоз чиққан хола. Ёнида иккала ўғлим ухлаб ётишибди. Эҳтиёт бўлинглар, улар уйғониб кетишмасин.

Икки шарпа ичкарига киришди. Улар бир муддат бирбирига қараб олишгач, Миржамол шартта поччасининг бўйнидан бўғди, Достон эса кўкрагига зарб билан тепди. Оғриқдан инграб юборган Эшмўмин жон талвасасида "кимсан" дея бақириб, босқинчилардан бирининг қўлига ёпишди. Ундан буни кутмаган ва шошиб қолган йигитлар беихтиёр "бос, оғзига ёстиқни бос" дея бир-бирларига бақириб юборишди. Уларнинг шовқини Эшмўминнинг ёнида ухлаб ётган икки ўғлини уйғотиб юборди. Болаларининг уйғониб қолганини кўрган аёл ичкарига отилиб кириб "ёт, уйни ўғри босди, сенларни ҳам ўлдиради, ёт", дея уларнинг устини кўрпага буркаб, босиб турди. Бу вақтда эса, ўғай онасининг кундузи телефондаги гапларини тўсатдан эшитиб қолган ва бугун тунда содир этилажак воқеани ич-ичидан ҳис этиб, нариги хонада ётган Холида деразадан отилиб чиқиб, ҳовлида йиғлаб югурар, шовқиндан уйғониб кетган Азиза ҳам опасининг кетидан ҳовлига югуриб чиқиб, нима гаплигини англолмай, аланглаб турарди.

Қизларининг уйғониб қолганини кўрган аёл энди ташқарига отилди. У икки қизни молхонага қамаб, устидан зулфни ўтказди. Бунгача Миржамол билан Достон Эшмўминни уриб, бўғиб тинчитишга улгуришди.

Улуғой ўз эрига нисбатан, энг ачинарлиси, вояга етмаган фарзандларининг кўз ўнгида, уларга жуда катта руҳий зарба ва изтироб бераётганлигини англаган ҳолда ана шу тубанликни амалга ошириди.

Улуғой Ҳурматова, Миржамол Сафаров ва Даврон Мансуровларга узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Жиноят ҳақида олдиндан билган ва хабар бермаганлиги учун Ҳотам Муродов ҳам уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Жаҳолат

Эркабой ТАДЖИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари

Қани энди вақтни озгина бўлса-да, орқага қайтаришнинг иложи бўлса! Ёки кинолардагидек, вақт машинаси бўлсаю, унга ўтириб, болалигига, жуда бўлмаганда бир йилгина ортга қайта олса! Афсуски, бунинг ҳеч иложи йўқ. Начора, ҳаммасига ўзи айбдор. Сабр қила олмади. Бугунги қийинчиликлар ҳам пайти келиб поёнига етиши-ю, эртанги кундан умид қилишга ўзида куч топа олмади. Охир-оқибат жаҳолат отига минди-ю...

Аввалига эри билан рисоладагидек турмуш кечирди. Бирин-кетин икки нафар фарзандли бўлишди. Бироқ, эри тўқимачилик фабрикасига ишга кирди-ю, ўзгарди-қолди. Кечки пайт чиқиб кетиб, анчадан кейин ичиб келадиган, бўлар-бўлмасга тергаб, уришадиган одат чиқарди. Устига-устак бундай пайтларда у ҳам бир неча бор аразлаб отасиникига кетиб қолди. Аммо, ота қизини яна қайтариб олиб келиб ташлади.

Энди унинг эс-ҳушини қандай бўлмасин, эрини қайтариш фикри эгаллаб олган эди. Ўйлай-ўйлай, охири уйда ҳеч ким йўқлигида пичоқ билан қўлини кесди-да, "Ўғри тушди, менга пичоқ билан ҳамла қилди", — дея шовқин солди. Касалхонага жойлаштириб, милиция ходимлари ҳам суриштирув ишларини олиб боришди. Бироқ, ҳақиқат ошкор бўлгач, нафақат эри, балки қайнота-қайнонаси ҳам бизга бунақа келин керак эмас, деб уни яна ота уйига жўнатишди. Болаларини бўлса олиб қолишди.

Энди Севара (исм-фамилиялар ўзгартирилган) икки томонлама азоблана бошлади. Бир томондан болаларини соғиниб, сиқилса, иккинчи томондан турмуши бузилишида эри-ю, унинг ота-онасини сабабчи, деб билиб, улардан нафратлана бошлади. Қалбида чўғдек милтиллаган бу нафрат, кейинчалик аланга олиб, бутун вужудини ёндира бошлади. "Бу қанақаси бўлди-а?! Тинчгина яшаб юрувдим. Эрим ўша ерга ишга кирди-ю, айниди-кўйди. Биттасини топиб олгани аниқ. Бўлмаса, бунчалар ўзгармасди. Ичиб келиб, тўполон қилиши-чи?! Қайнотам билан қайнонамни ҳам тушунмайман. Ахир мен ҳам бировнинг боласиман-ку! Нега мени тушунишни хоҳлашмайди? Энди нима қиламан-а?"

У шундай хаёллар билан бир неча кунни ўтказди. Орада холаси келиб қолди-ю, ундан бирорта иш топиб беришни сўради. Холаси ҳам йўқ демай, Бухоро шаҳрида тикувчилик қилувчи танишининг олдига олиб бориб, жиянини шогирдликка олишини сўради. Тикувчи аёл рози бўлгач, Севара унинг уйида яшаб, иш ўргана бошлади. Аммо, вақт ўтса-да, эрининг уйидагилардан ўч олиш ҳақидаги фикр унга тинчлик бермасди.

Ўша куни тушлик вақтигача устозининг ёнида бўлди-да, кейин уйидан хабар олиб келишини айтиб, рухсат сўрагач, йўлга чиқди. Қишлоғига етиб келгач, дарахтлар панасида ўтириб, кеч бўлишини кутди. У айни пайтда, нима қилишни, қандай йўл тутишни билмасди. Миясида эса фақатгина битта фикр: қандай қилиб бўлмасин, эрининг қариндошларидан ўч олиши керак!

Ҳаммаёқни қоронғу чулғагач, йўлга тушар экан, оёқлари ўз-ўзидан эрининг опаси яшайдиган қишлоқ томон бошлади. У қайнопаси яшайдиган уйнинг деразаси ёнига келиб, ўтирди. Бир маҳал телефон жиринглаб, қуда хола ким биландир гаплаша бошлади. Салдан кейин келинини чақирди. Гапсўзлардан қайнопасининг Россияга ишлашга кетган эри қўнғироқ қилганлигини билди. Ўша заҳоти қайнопаси бошқа хонага чиқди, шекилли, овози узоқлашиб, эшитилмай қолди. Севара ўрнидан туриб, деразадан ичкарига қаради. Шундоққина қўл узатгудек жойда қайнопасининг 5 яшар катта қизи ухлаб ётарди. "Шошма, ахир қайнотам билан қайнонам шу набираларини жудаям яхши кўришади-ку! Агар уни олиб чиқиб кетсам-чи?! Менга болаларимни кўрсатмай, қийнашаяпти. Энди уларни ҳам шу кўйга солиб, бир қийнай, кейин кўрамиз...".

У узоқ ўйлаб ўтирмай, болани кўрпачаси билан бирга тортиб олдию, бағрига босганча югуриб кетди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ қизалоқ буни ҳатто сезмади ҳам. Севара йўл-йўлакай бошидан рўмолини ечиб, унинг юзига ёпиб қўйди-да, бир нималар дея ғўлдираганча, боши оққан томонга кетаверди. Аллақаердаги зовурнинг ёнига келиб қолган аёлнинг шу тобда миясига ўч олишдан бошқа нарса кирмас, фақатгина болани қидириб сарсон бўлаётган қайнонаси-ю, эрининг ҳолатини тасаввур қиларди, холос. Ҳа, айни дамда унинг қалбини жоҳиллик эгаллаб олганди. Шу боис, оқибатини ўйламаёқ, қизчани сувга ташлаб юборди. Сўнгра яна югура кетди...

Эри билан гаплашиб бўлган аёл, хонага киргач, ҳозиргина ухлаб ётган боласининг йўқлигини билиб қолди. Зумда қий-чув кўтарилиб, ҳамма қизчани қидира бошлади. Милицияга хабар беришди. Афсуски, улар кеч қолишган эди. Қизалоқнинг жасадини эртаси куни кечки пайт топишди. Унинг бошига ўралган рўмолни кўрган тоғаси, хотинида ҳам худди шунақаси борлигини айтиб кўрсатма берди...

Эртанги куни бугунидан яхшироқ бўлишини истаган инсон борки, топганини тежаб-тергаб сарфлашга, шу тариқа пул жамғариб фарзандлари келажаги учун нимадир қилишга интилади. Яна шундай тоифа одамлар ҳам борки бошқаларнинг яхши ниятда жамғарган пулларига осонгина эга чиқиш пайида бўладилар. Бу тоифа одамлар ҳамиша бўлган ва афсуски, ҳозир ҳам бор. Бунинг учун уларга аллов ва ишончни суиистеъмол қилиш, оддий қилиб айтганда, фирибгарлик қўл келади. Дилбар Ҳалимова ва Обид Сайдираҳимовларнинг (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) қилмишини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ишга киритаман деб...

Холмурод КЕНЖАЕВ,
Мирзо Улуғбек туман прокурори ёрдамчиси

Айтишадики, одамлар алданишига кўпинча ўзлари сабаб бўлишар экан. Қонунларга таяниб иш кўрган, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган одамга фирибгарлар яқин ҳам йўлашмайди.

Аъзам Маликов жиянларини ишга жойлаштириш учун у-бу ташкилот эшигини қоқиб кўрди, ишга жойлай олмади. Таниш-билишларига қилган илтимослари ҳам самара бермади. Шундай кунларнинг бирида таниши Рустам иккинчи хотини Дилбар бу масалада унга ёрдам бериши мумкинлигини айтиб қолади. Аъзам шу куниёқ Дилбарни топиб, икки жиянининг ички ишлар идораларига ишга киришига ёрдам беришни сўрайди.

Дилбар деганлари Рустам Мадатовнинг шаръий никоҳдаги хотини бўлиб, илгари ҳам фирибгарлик жиноятн учун судланиб, жазосини ўтаган аёл. У йигитларнинг ишга жойлашишига ёрдам беришини айтиб, шу ернинг ўзидаёқ эски таниши Обид Сайдираҳимовга телефон қилади. Ўхшатмасдан учратмас, деганларидек, Обид деганимиз ҳам қилмиши учун судланиб, жазосини ўтаб чиққан, аммо бундан тегишли хулоса чиқармаган йигит эди. Обид ўйлаб ҳам ўтирмай, йигитларни ишга жойлаштириб қўйиш қўлидан келишини айтади.

Хуллас, Дилбар "икки ой ичида жиянларингиз форма кияди" деб Аъзамни ишонтиради. Албатта, бунинг харажати борлигини, бунинг учун ҳар бирига 2 минг АҚШ долларидан 4 минг АҚШ доллари бериши керакли, бу пулларни "юқоридаги одамлар"га беришини тушунтирган бўлади.

Эртаси куниёқ Аъзам Дилбарга айтилган пулни келтириб беради. Ўз навбатида, Дилбар Обидга бу пулнинг бир қисмини олиб бориб беради.

Ҳаш-паш дегунча айтилган муддат ҳам ўтиб кетади. Аммо Дилбар ва Обид ваъдасини бажаришмайди. Ҳатто ишга киритаман деб шунчаки алдашганини, пулни эса ишлатиб юборишганини айтиб, қайтариш нияти ҳам йўқлигини яширишмайди. Аъзам пулни қайтармаса, тегишли тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилишини айтгач, улар олган пулларининг бир қисмининигина қайтаришади. Қолганини эса қайтаришдан бош тортишади.

Шундан сўнг, А.Маликов ҳуқуқ-тартибот органига ариза билан мурожаат қилиб, уюштирилган фирибгарлик жинояти ҳақида хабар беради. Суд ҳукми билан фирибгарлар Дилбар Ҳалимова ва Обид Сайдираҳимов тегишли жазосини олишди.

Аммо бизни масаланинг бошқа бир жиҳати ўйлантиради: эътибор берган бўлсангиз, ушбу ҳолатда ҳам алданган фуқаролар фирибгарларга маълум мақсадни кўзлаб, пора тариқасида пул беришган. Бошқача айтганда, қонуний йўл туриб, ноқонуний йўлни танлашган, оқибатда чув тушишган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 16-бандида "Агар жабрланувчи пора талаб қилинганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлиб, тезкор тадбир давомида жабрланувчининг мулкидан пора предмети сифатида фойдаланилган бўлса, ушбу мулк Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим, бошқа ҳолатларда пора предмети суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади", деб кўрсатилган. Шунинг учун ҳам пора предмети бўлган пуллар давлат фойдасига ундирилган.

Хулоса тарзида айтадиган бўлсак, фирибгарга алданмаслик учун, аввало, ўзимиз учун тўғри ва қонуний йўлни танлаб олмоғимиз, қолаверса, бироз ҳушёрроқ бўлишимиз талаб этилади.

Мисқоллаб йиғилган обрў

балои нафс туфайли бир зумда тўкилди

Абдуқундуз АБДУРАҲИМОВ,
Тошлоқ туман прокурори

Мактаб жуда муқаддас даргоҳ саналади. Чунки келажагимиз эгалари бўлмиш фарзандларимизнинг билим пойдевори ана шу ерда қўйилади, мустаҳкамланади. Энди бу даргоҳда сохтакорлик, талон-торожликка йўл қўйилса-чи? У ҳолда муассасанинг ишларига путур етиб, жамоада носоғлом муҳит, ўқувчиларнинг тарбиясида эса кемтиклик юзага келиши турган гап.

Минг афсуски, Тошлоқ туманидаги 14, 15 ва 23-умумтаълим мактаблари мансабдор шахслари бу ҳақиқатдан очиқ-ойдин кўз юмишди. Аниқроқ айтганда, улар сўнгги уч-тўрт йил мобайнида зиммаларидаги асосий вазифани "унутиб", ҳамёнларини тўлдириш билан овора бўлишди.

14-умумтаълим мактаби ҳисобчиси Ойбек Хатамов 2008 йилнинг 11 мартида бу лавозимга тайинлангач, 5-6 ой яхши ишлади. Бироқ октябрь ойига келиб "айниди". Яъни шу ойда 50 минг сўм декабрь ойида эса 419 минг 836 сўм маблағни ўзининг иш ҳақига ортиқча ёзиб юборди. Лекин буни мактаб директори ҳам, ғазначи ҳам сезмади. Ойбек қарасаки, хазинанинг калити ўз қўлида экан. Шу боис ноябрь ойи ҳисобига 900 минг сўм, декабрь ойида 380 минг сўм, 2009 йилнинг февраль ойи учун 300 минг сўм пулни мактабда ишламайдиган турмуш ўртоғи Машхура Усмоновнинг пластик карточкасига ўтказиб олди. Табиийки, бу ҳолатдан унинг "иштаҳаси" очилиб кетди. Натижада 2009 йилнинг февраль-ноябрь ойлари мобайнида жами 2 млн. 325 минг 350 сўм миқдорида ўзига ортиқча иш ҳақи ёзди.

Бундан ташқари, ҳисобчи ўтган давр мобайнида мактаб ғазначиси А.Қўшоқовни ҳам "ҳамкорлик"ка чорлади. Албатта, бундай манфаатли таклиф кимга ҳам ёқмайди дейсиз. Пировардида икковлон мактаб ўқитувчиларининг 2008 йил декабрь ва 2009 йил январь ойлари иш ҳақи учун банкдан 5 млн. 280 минг 221 сўм нақд пул олиб, 4 млн. 151 минг 755 сўмини тарқатишди, холос. Қолган 1 млн. 128 минг 466 сўм маблағни жиғилдонга уришди.

Аммо О.Хатамов ўзининг юқоридаги кирдикорлари фош бўлиб қолишини ўйладими ёки бошқа сабабми, ҳар ҳолда 2010 йилнинг январь ойида тумандаги 45-умумтаълим мактаби ҳисобчиси вазифасига ишга ўтиб олди. Бир ой ўтмай эса бу муассасада ҳам эски "ҳунари"ни бошлади. У август ойидан ташқари қолган 10 ой мобайнида ўз иш ҳақига қўшиб ёзиш йўли билан 6 млн. 213 минг 301 сўм бюджет маблағларини ҳеч иккиланмай ўзлаштирди. Мактаб ўқитувчиси Марямхон Нишонованинг 2010 йил декабрь ойи учун ажратилган 278 минг 724 сўм миқдоридаги пенсия пули ҳам ўзининг пластик карточкасидан жой олди.

Тумандаги 15-умумтаълим мактаби директори Каймибек Давронов ва мактаб ҳисобчиси Гулчехра Мирзаалимовалар пул топишнинг бошқачароқ йўлини танлашди. Аввалига директор 2007-2009 йилларда 53 нафар ўқитувчини "Директор жамғармаси" маблағлари ҳисобидан мукофотлаш бўйича мактаб махсус комиссиясининг йиғилиш қарорларини тайёрлаб, комиссия аъзоларининг имзоларини сохталаштирди. Сўнг 5 млн. 777 минг 170 сўм мукофот пулларини ўқитувчиларга бермасдан ҳамёнига урди. Кейинчалик эса Гулчехрани ҳам йўлдан уриб, ўзига шерик қилди. Бу гал 16 нафар ўқитувчи 906 минг 011 сўм, 2010 йилда яна 28 нафар ўқитувчи 4 млн. 890 минг 367 сўм пул билан "мукофотланди".

Доно халқимизда букрини гўр тузатади, деган нақл бор. 23-умумтаълим мактабидаги талон-торожликдан хабар топган киши беихтиёр ана шу нақлни эслаши шубҳасиз. Негаки, мактаб ҳисобчиси Обиджон Мамажонов ва ғазначи Лочин Исақовлар муқаддам ҳам кўп миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштирганликлари учун айбланиб, амнистия актига асосан жазодан озод қилингандилар. Бироқ уларнинг ўрганган кўнгиллари яна мўмай даромадни тусаб қолди. Фақат бу сафар мактаб директори Сойипжон Мадаминов ҳам жиноий гуруҳга аъзо бўлди. Учовлон 2009 йилнинг март, август ва сентябрь ойларидан ташқари қолган 9 ойи давомида мактаб ўқитувчиларининг 5 млн. 363 минг 600 сўмлик иш ҳақларини ўртада тақсимлаб олишди. 2010 йилнинг ноябрида бўлса, директорга 93 минг 800 сўм, ҳисобчига 251 минг 400 сўм иш ҳақи ортиқча ёзиб юборилди.

Ҳаётда ҳар қандай қинғир иш эртами-кечми, сув юзига қалқиб чиқиши барчамизга аён ҳақиқат. Тилга олинган ҳолатлар ҳам Тошлоқ туман прокуратураси томонидан тайинланган ҳужжатли тафтиш жараёнида фош бўлди. Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди айбдорларнинг ҳар бирига қонуний жазо тайинлади. Асосий жазога қўшимча равишда К.Давронов уч йил, қолганлар эса 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Бир сўз билан айтганда, "қаҳрамон"ларимиз нафс амрига бўйсуниб, ўзларининг мисқоллаб йиққан обрў-эътиборлари ва шаънларига доғ туширишди. Бунинг оқибатида оила аъзолари ва яқинларининг ҳам боши эгилди.

Уларнинг қисматидан қандай хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Ишончли ҳамкор муваффақиятлар гаровидир

Республикамизда бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида хизмат кўрсатиб келаётган тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари учун чексиз имкониятлар яратилмоқда. Иқтисодиётимизнинг бир меъёрда ўсиб, мамлакатимиз бозорлари турли товар ва хизматлар билан бойиб бораётганлиги ҳамда аҳолимизнинг турмуш тарзи кундан-кунга яхшиланиб бораётганлиги бунинг далилидир. Ҳозирги кунда ички ва ташқи бозорларга товарлар ва хизматлар етказиб беришда тадбиркорлик субъектлари ўртасида ниҳоятда кучли рақобатни кузатишимиз мумкин. Айниқса, жадал суръатларда ривожланиб бораётган хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг негизига айланиб бормоқда.

— Биз ҳам шу соҳа орқали фаолият юритиб, иқтисодиётимиз ривожига кўмаклашиш, аҳоли ва ишбилармонларнинг шу соҳадаги эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида "Фарҳод Фазлиддин" МЧЖни ташкил этдик. Корхонамиз 2011 йилнинг май ойида Бахт шаҳрида ташкил қилиниб, ҳисоб рақамимизни "Асака" банкнинг Сирдарё вилоят филиалида очиб, фаолиятимизни йўлга қўйдик. Корхонамиз қишлоқ жойларда ва шаҳарларда қурилаётган уй-жойлар учун эшик ва ромлар, темир дарвоза ва бошқа буюртма асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади.

Корхонамиз фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бизнес режа туздик. Бизнес режани амалга ошириш учун "Асака" банк Сирдарё вилоят филиалига мурожаат этдик. Банк томонидан бизнинг бизнес режамиз истиқболли деб топилиб, қисқа муддатда корхонамизга кредит ажратиш бўйича ижобий қарор чиқарилди. Эътиборлиси шундаки, банк ходимларининг ўз ишининг устаси эканлиги, тадбиркорларга турли иқтисодий тушунтиришлар ва билимларни таклиф қилиши, ҳужжатларни сусткашликка йўл қўймасдан биз кутгандан-да тез суръатларда тайёрлашганлиги бизнинг мўлжаллаган лойиҳамизни амалга ошишини янада тезлаштириб юборди.

Банкдан олинган кредит ҳисобига уй-жойлар учун эшик, ромлар ва темир дарвозалар ишлаб чиқариш учун ёғоч, темир листлар ва бошқа қурилиш моллари сотиб олинди. Шу билан бирга, янги лойиҳамиз натижасида 4 нафар ишчи янги иш ўрни билан таъминланди.

Ҳозирги кунда корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бошқа четдан кириб келувчи маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олиши сабабли харидоргир ҳисобланади. Корхонамиз бошқа ушбу фаолият билан шуғулланадиган корхоналардан ўзининг мижозлари кўплиги ва жаҳон стандартларига мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариши билан ажралиб туради.

Бизнинг бундай муваффақиятга эришишимизда "Асака" банкнинг кўмаги катта эканлигини таъкидлашимиз лозим. Банкдаги амалиёт жараёнларига юқори малакали ходимларнинг жалб қилинганлиги, банк ходимлари томонида мижозлар маблағларини иқтисодий тушунтиришлар орқали тўғри йўналтирилишига беминнат ёрдам кўрсатилаётганлиги таҳсинга сазовор. "Асака" банкнинг "Асака" банк — ишонч ва кафолат" сўзларини ўзига шиор қилиб олганлиги ва айнан хизматлар кўрсатишида мазкур шиорга мос фаолият кузатилаётганлиги гувоҳи бўлдик.

Ҳозирги кунда корхонамиз томонидан чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлилиги ва бозорбоп нархларда сотилаётганлиги сабабли харидорлар кундан-кун ошиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ жойларида қурилаётган лойиҳавий уй-жойлар қурувчилари томонидан эшик, ром ва темир дарвозаларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Биз "Асака" банкда ҳисоб рақамимизни очиб янглишмаганлигимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик ва банк хизматларидан миннатдормиз. Корхонамизнинг фаолият юритишида "Асака" банки кўмагида бундан-да истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга бел боғладик.

Фарҳод НУРМАТОВ,
«Фарҳод Фазлиддин» МЧЖ раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Хоразм ҳудудий бошқармаси «Ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари»ни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши бўйича танлов эълон қилади

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг 2010 йил 9 декабрдаги 02-8-78-сонли, 2011 йил 25 апрелдаги 02-8-36-сонли йиғилиш баённларига мувофиқ, инвестиция мажбуриятлари билан "ноль" қийматида сотилиши белгиланган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июлдаги "Ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари негизида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 141-сонли Қарорига мувофиқ, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳалари ва инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шарти билан бепул берилиши лозим бўлган ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига янги шартларга асосан бепул (ноль қийматда) сотиш белгиланган. Республика Давлат тендер комиссиясининг, инвесторларга янада енгиллик яратиш мақсадида инвестиция киритиш муддатини узайтириш ва яратиладиган ишчи ўринларни камайтириш тўғрисида қабул қилинган, 2012 йил 21 мартдаги 02-02-24-36-сонли йиғилиш қарори билан тасдиқланган қуйидаги янги шартларга мувофиқ танлов эълон қилинади.

Танловга қўйилган объектлар ва уларнинг сотиш бўйича янги шартлари

№	Корхона ва объектлар номи	Жойлашган манзили	Фаолият йўналиши	Инвестиция мажбуриятлари энг кам миқдори (минг сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)	Янги ташкил қилинадиган ишчи ўринлар сони
1	«Қурилиши тугалланмаган тўқимачилик фабрикаси»	Боғот тумани, Бешариқ қишлоғи	Тўқимачилик	10 000 000,0	3	100
2	«Қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш»	Янгибозор тумани, Ал-Беруний кўчаси	Ноозиқ-овқат истеъмол моллари и/ч	1 500 000,0	3	40

Изоҳ: Урганч шаҳар Саноатчилар кўчасида жойлашган, тугатилган "Автохизмат" МЧЖ бино ва иншоотларини инвестиция мажбуриятлари эвазига "ноль" қийматда сотиш бўйича танлов, олдин эълон қилинган кунлари, яъни 17 апрель ва 17 май кунларида ўтказилишини маълум қиламиз.

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ САНАСИ: 2012 ЙИЛ 12 май соат 11:00

Талабгорлардан аризалар тушмаган объектлар савдоларни такроран ўтказиш санаси 2012 йил 12 июнь, 12 июль ва 14 август кунлари

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ МАНЗИЛИ: Урганч шаҳри Ал-Хоразмий кўчаси 30-уй
Давлат мулки қўмитаси Хоразм ҳудудий бошқармаси биноси

ТАНЛОВНИНГ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАРИ:

Танловда тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳамда танлов савдоси объекти бўйича белгиланган энг кам инвестиция мажбуриятидан кам бўлмаган миқдорда активлар, шу жумладан, пул маблағларига эга бўлган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун ҳудудий танлов комиссиясига талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — Низом, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, охирги ҳисобот даври (чорак, йил)даги бухгалтерия баланси ҳамда аудитор хулосаси нусхалари, хизмат кўрсатувчи банкдан тўловга лаёқатлилиги ҳақида маълумотнома, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган танлов таклифлари:

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг режалаштирилаётган ассортименти ва унинг рақобатбардошлилиги;

хомашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара;

сотиш объектини молиявий-хўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Танловда иштирок этишни истаган шахслар Хоразм вилоят ҳудудий танлов комиссиясига ва Давлат мулки қўмитасининг Хоразм ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан Давлат мулки қўмитасининг Хоразм ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Танлов садоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Давлат мулки қўмитасининг **(8-371) 259-21-79, 259-21-37** ишонч телефонларига ва **info@gki.uz, hususiylashtirish@mail.ru** электрон почта манзилларига хабар қилишингиз ёки Давлат мулки қўмитасининг Хоразм ҳудудий бошқармасининг телефон рақамларига қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.

Мурожаат учун телефонлар: 226-16-55, 226-31-55, 226-81-68

Спорт

Пешқадамлик бой берилди

Бу йилги мавсумда халқаро майдонларда мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилаётган клубларимиз орасида Фарғонанинг "Нефтчи" жамоасигина ўтказилган 3 ўйиндан сўнг ўз гуруҳида пешқадамлик қилаётган эди. Аммо Саркисян шогирдлари ҳам Уммоннинг Маскат шаҳрида бўлиб ўтган ОФК кубогининг гуруҳ босқичи доирасидаги "Ал Оруба"-га қарши кечган ўйинда дуранг қайд этиб, "Ал-Виҳдат"ни олдинга ўтказиб юборишди.

10 апрель санасида бўлиб ўтган учрашувда мезбонлар устунлик қилишди. Уммон клуби, айниқса, биринчи бўлимда тинимсиз хужумлар уюштирди, фарғоналикларнинг дарвозада ва ҳимояда кўрсатган ишончли ўйинлари, бир томондан омад туфайли "Нефтчи"га сафардаги бир очкони тортиқ этди.

Шу тариқа ушбу дурангдан сўнг "Нефтчи" ҳисобидаги очколар сони 8 тага етди. Гуруҳнинг иккинчи учрашувида ғалаба қозонган Иорданиянинг "Ал-Виҳдат" клуби 9 очко жамғариб, пешқадамликни қўлга олди.

ОФК кубоги-2012

"Ал Оруба" (Уммон) — "Нефтчи" (Ўзбекистон) — 0:0

Равшан Эрматов Олимпиада ўйинларида

Вадим Абрамов бошчилигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинлари йўлланмасидан қуруқ қолганидан хабарингиз бор. Аммо Олимпиада ўйинларида спортнинг футбол тури бўйича барибир вакилларимиз иштирок этишадиган бўлишди.

Ўзбекистон футбол федерациясига ФИФАдан келган расмий хатга кўра, ушбу ташкилотнинг Ҳакамлар қўмитаси Олимпиада ўйинларида хизмат қиладиган ҳакамлар рўйхатини тасдиқлаган ва улар орасида Равшан Эрматов ҳам бор. Олимпиада ўйинларида Эрматовга Абдуҳамидулло Расулов ва Баҳодир Қўчқоров (Қирғизистон) ёрдам беради.

ЎФФ матбуот хизмати хабарига кўра, ФИФА турли конфедерациялардан жами 16 нафар бош ҳакам ва 32 нафар қанот ҳакамларини танлаб олган.

ЖЧ-2014 саралаш ўйинлари «Пахтакор»да

Хабарингиз бор, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 3 июнь куни ЖЧ-2014 сўнгги саралаш босқичи доирасида Эрон миллий терма жамоасини қабул қилади. Ўзбекистон футбол федерацияси мазкур саралаш босқичида мамлакат бош жамоаси уй ўйинларини ўтказадиган майдон сифатида "Пахтакор" стадионини ОФК мусобақалар бўлимида рўйхатдан ўтказди.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон миллий терма жамоаси Эронга қарши ўйин олдидан 22 май куни Тошкентда йиғин бошлайди. ЎФФ расмий твиттерида берилган хабарга кўра, 27 май куни бўлиб ўтиши режалаштирилган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Уммон терма жамоасига қарши ўртоқлик ўйини бекор қилинганидан сўнг Ўзбекистон футбол федерацияси 27 май ҳамда 15 ёки 16 августда Тошкентда ўртоқлик учрашувини ташкил этиш мақсадида Европадан рақиб изламоқда.

Ўзбекистоннинг 3 июнь кунги рақиби Эрон 17 апрель куни БАА миллий терма жамоасига қарши ураш олиб боради. Шунингдек, эронликлар Япония футбол ассоциацияси билан ҳам оғзаки келишувга эришганликлари борасида маълум қилишган.

Спорт хабарларини **Мақсудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Бухоро вилоят прокуратураси жамоаси Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Ҳамид Соҳибовга онаси **Назира РУСТАМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти жамоаси Департаментнинг Олмазор туман бўлими бошлиғи Равшан Умаровга турмуш ўртоғи **Гулчеҳра УМАРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Жамиятимизнинг асоси бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш, оилаларни, айниқса, ёш оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган ишлар сифатини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури бу бораладаги ишларни, шубҳасиз янги босқичга кўтаради.

Жамият таянчи

Абдусалом НОРБОЕВ,
ТДЮИ доценти

Оила, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни масаласи қадимдан олиму фузалолар — илм аҳлининг эътиборини ўзига тортиб келган. Оилага берилган таърифларнинг ҳар бирида оиланинг маълум бир қирраси, жиҳати ўз ифодасини топган.

Маълумки, оиланинг биринчи шарти — никоҳ. Расмий никоҳ қайд этилиши билан эр ва хотиннинг ўзаро ва жамият олдидаги ҳуқуқлари, бурчлари пайдо бўлади. Ана шу ҳуқуқ ва бурчларга амал қилиниши оилани мустаҳкамлайди, мустаҳкам оила эса ўзининг жамият олдидаги вазифаларини бажара олади, жамиятнинг таянчига айланади. Афлотуннинг "Ҳар бир никоҳ давлат учун фойдали бўлмоғи керак" деган ғояси замирида ана шу маъно ётади.

Оилада илм-зиё, маънавий-ахлоқий масалалар тўғри йўлга қўйилган бўлса, жамиятда фозиллик, комиллик бўлади. Оиланинг иқтисоди мустаҳкам бўлса, мамлакатда фаровонлик ҳукм суради. Шу жиҳатдан оиланинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий мустаҳкамлиги, мамлакатнинг ҳам шу соҳаларда умумий оила сифатида ривожига беқиёс таъсир кўрсатади.

Шу жиҳатлари билан ҳам оила юртнинг бойлиги, таянчи. У жамиятга инсонни, шахсни, давлатга фуқарони тайёрлаб, етказиб беради.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятда оиланинг мавқеини ошириш, манфаатларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шароит яратиш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини янада юксалтириш, оиланинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш каби масалалар комплекс равишда қамраб олиниб, изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, такомиллаштириб борилди.

Юртбошимиз Ислом Каримов бу борада: "Энг муҳим вазифа халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ҳамда маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади" - деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оилага бағишланган бўлиб, унда оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги эътироф этилган.

Конституция ва қонунларда белгиланган нормалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларига тўлиқ мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 16-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 23-моддасида, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 10-моддасида оила ҳақида белгиланган талаблар қонунчилигимизга тўла имплементация қилинган. Мазкур талаблар, яъни эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги Конституциямизнинг 18-моддасида, никоҳ қуришда томонларнинг эркинлиги ва тўлиқ розилиги, оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналиб, жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи Конституциямизнинг 63-моддасида, никоҳ бекор қилинган тақдирда болалар зарур тарзда ҳимоя қилиниши Конституциямизнинг 64-65-моддаларида ва бошқа қонунларда тўлиқ мустаҳкамланди.

Мустақиллик йилларида конституциявий қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида оила билан бевосита ёки билвосита боғлиқ 50 га яқин қонунлар, 20 га яқин Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, 70 дан ортиқ Ҳукумат қарорлари, фармойишлари қабул қилинди. Оила кодекси қабул қилинди.

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат деб белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда оилага бўлган конституциявий эътиборни бошқа давлатлар билан таққослаб кўришимиз мумкин: мисол учун, АҚШ, Австрия, Франция, Норвегия, Нидерландия каби давлатлар конституцияларида оила ҳақида қоида белгиланмаган. Айримларида эса умумий тарзда, бир ёки икки моддада тўхталиб ўтилган. Мамлакатимизда эса бу муносабатлар Конституциянинг алоҳида бобида қайд этилган.

Бошқа давлатлар асосий қонунларида келтирилган нормаларни Конституциямиз билан қиёслаб шундай хулосага келиш мумкин: фақат мамлакатимиздагина оила жамият ва давлат муҳофазасида (бошқа давлатларда ёки давлат ёки жамият деб белгиланган); Фақат биздагина етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириш нафақат давлатнинг, балки жамиятнинг ҳам вазифаси сифатида белгиланган; Фақат биздагина вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар, деб белгиланган.

Айтиш мумкинки, Конституциямизда жамиятнинг табиий ва асосий бўғини бўлмиш оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш масалалари комплекс равишда қамраб олинган.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV | Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV | (Bosh muharrir o'rinbosari)
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV | Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA | (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[1] — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma **j-4319. 51 200** nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **O'.DEHQONOV**
Musahhih: **M.QAMBAROV**
Navbatchi: **O'.DEHQONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617